O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

ЮРТИМИЗГА ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ!

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Васл аро кўрдум,
тенг эмиш бўйию
сочи,
Тун-кун тенг экан,
зоҳир ўлур бўлди
чу Наврўз.

Алишер НАВОИЙ

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 20-mart, shanba № 22 (8255) ISSN 2010-6416

БАРКАМОЛ АВЛОД – ВАТАН ТАЯНЧИ

Ўсиб келаётган ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб келишларини таъминлаш жамият олдидаги энг улуғ мақсадлардандир. Шу маънода Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" дея эълон қилиниши бутун халқимизнинг эътирофига сабаб бўлгани бежиз эмас. Янги асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошида келажагимиз бўлган фарзандлар камоли ҳақида қайғураётган давлатимиз раҳбари ёш авлод таълим-тарбияси учун барча шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа эканлигини доимо уқтириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Юртбошимиз яхлит таълим тизимини яратишга эришилганлигини фахр билан таъкидлаб, "Бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади", дея эътироф этди. Шу билан бирга, таълим-тарбияни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш йўналишларини белгилаб берди.

(Давоми 2-3-бетларда.)

ЭЗГУЛИК МАКТАБДАН БОШЛАНАР

Субҳидам ҳавоси этни жунжиктиради. Тоғ-ён ўғрида жойлашган Ўрозмат қишлоғининг қайсидир хонадонида хўроз қичқирди. Бугун табиатнинг кўрки ҳар кунгидан бошқача. Офтоб бош кўтармоқда. У ўз нурларини сочиши билан гуллаган бодом, ўрик, олма дарахтлари атрофга ифорларини яна ҳам мўл-кўл улаша бошлайди. Қишлоқ мактабида ҳам ўтган йили экилган ниҳоллар шабадада майин тебранар, гўёки Наврўзнинг кириб келишини улар ҳам олқишлаётгандек эди.

(Давоми 10-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎҚУВ ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

Муҳтарам юртдошлар!
Барчангизни халқимизнинг азалий қадриятлари мужассамлашган Наврўз умумхалқ байрами билан қутлаймиз!
Сизга энг эзгу тилакларимизни йўллашдан бахтиёрмиз.

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР — 5-бет
ЯНГИЛИКЛАР ҚАНОТ ЁЗАР... — 7-бет
КУН ҲАМАЛГА КИРДИ ЭРСА КЕЛДИ ОЛАМ НАВРЎЗИ! — 8-9-бетлар
«БУЛУТ»-МИНОРАЛАР ОЛИМПИАДА КЎРКИГА АЙЛАНАДИМИ? — 12-бет
«МЕНИ ЧЕМПИОН ҚИЛГАН, ҚЎРҒОНИМ» — 15-бет

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шу йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги: амалиёт ва самарадорлик» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарининг раислари, сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги академияси олимлари, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Адвокатлар палатаси раҳбарлари ва мутахассислари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламент фаолияти якунларини сарҳисоб қилар экан, «...парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда», деб таъкидлагани кўрсатиб ўтилди. Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг кейинги беш йиллик даврдаги вазифалари ва устувор йўналишларини аниқлаб берди, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан парламент олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътибори чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган қонун ижодкорлиги фаолияти дастурини яратиш масалаларига қаратилди. Иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, уларда фаолликнинг етишмаслигини енгиш, қабул қилинаётган қонунларга уларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни киритиш зарур бўлиб, бу охирқибатда парламентдан юксак даражада ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини узлуксиз равишда излашни талаб қилади.

Масалани муҳокама қилиш чоғида давра суҳбати иштирокчилари иш тажрибасини алмашдилар, Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш масалалари юзасидан ўз таклиф ва истакларини билдирдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва тақдим этилган қонунларнинг мазмун ва моҳияти юзасидан юқори ҳамда қуйи палата келишув комиссиялари доирасида келиб чиқадиган баҳс-мунозаралар масалаларини ҳам қизғин муҳокама қилдилар.

Давра суҳбати якунлари бўйича муҳокама қилинган масалага доир тегишли тавсиялар қабул қилинди.

/ЎзА/

ЎҚУВЧИНИНГ БЎШ ВАҚТИ

тўгараклар билан мазмунли

Ўқувчиларни тўгаракларга жалб этмасдан туриб, уларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш ҳақида гапириш бироз мушкул. Бугунги кунда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти янада долзарб аҳамият касб этди. Тўгаракларда ўқувчилар нафақат бўш вақтини мазмунли ўтказиш, балки муайян бир касб билан танишиш ва соҳа сирасрорларидан воқиф бўлиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Жиззах вилоят Ўқувчилар саройи ҳамда Болалар ижодиёти маркази, туманларда жойлашган 14та Ўқувчилар ижодиёт маркази болаларнинг касб-ҳунар ўрганишга шароит яратиб келмоқда. 10 000 нафардан ортиқ ўқувчи тўгаракларга жалб этилган. Тўгараклар фаолиятининг мазмунини такомиллаштириш учун устоз ва мураббийлар машғулотларни ноанъанавий ташкил этиш йўлидан боришмоқда. Тўгараклар, клуб ва студияларда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш кенг йўлга қўйилган. Машғулотлар давомида устоз-мураббийлар билан биргаликда маълум бир соҳада тажриба орттирган меҳнат фахрийлари ҳам ўз билим ва кўникмаларини ўқувчилар билан баҳам кўради. Бу болалардаги тўгаракларда иштирок этишга бўлган иштиёқни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоят ўқувчилар саройида турли тадбирлар, семинар-тренинг машғулотлари ва учрашувларнинг алоҳида ўрни бор. «Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда тўгаракларнинг ўрни» деб номланган тадбирда иштирокчилар Жиззах туманидаги Ўқувчилар ижодиёт маркази фаолияти билан танишди. Семинар қатнашчилари учун амалий санъат йўналиши ҳамда рус тили тўгараги раҳбарлари томонидан очиқ машғулотлар ўтказилди. Унда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш, тўгаракларда машғулотлар самарадорлигини ошириш каби масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, тадбир доирасида Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 28 январдаги «Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳужжатларнинг янги таҳрирдаги йўриқнома асосида юритилиши ҳақида»ги буйруғига кўра амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларга бағишланган тренинг машғулоти ҳам ташкил этилди. Семинарнинг асосий мавзуси моҳир устоз-мураббийларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, уни оммалаштиришга қаратилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Бешкўтон қишлоғи ёшлари учун Наврўз қўшалоқ байрамга айланди. Қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг замонавий қиёфа касб этган 56-умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди.

— Мактаб замон талаблари даражасида жиҳозланди, —

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

дейди «Соҳибкор-Дилхуш» хусусий қурилиш корхонаси раҳбари Суюн Қурбонов. — 180 ўринга мўлжалланган мактабда янги спорт майдончаси ва сузиш ҳавзаси ҳам барпо этилди. Бу эса ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият яратади.

Чирокчи туманининг Чувиллоқ қишлоғи ёшларига тумандаги «Пардозчи-муҳандис» қурилиш корхонаси томонидан 300 ўринга мўлжалланган, замонавий услубда бунёд этилган янги ўқув биноси туҳфа этилди. Шинам ўқув хоналари, кенг ва ёруғ спорт зали ҳамда лаборатория, компьютер хоналарини ўз ичига олган мактаб қисқа муддатда қуриб битказилди.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртбошимиз таълимни миллат тафаккури ва маънавияти ўлчамида олиб қараган ҳолда, **"Ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз"**, деб уқтирди. Бошқача айтганда, насли тоза, жисмонан соғлом, билим ва тафаккури ўткир, маънавиятли, аниқ касбга ва мутахассисликка эга, ғоявий собит-қадам фарзандлар, яъни баркамол авлод моделини чизиб берди ва уни шакллантиришни давлат сиёсати марказига қўйди.

БАРКАМОЛЛИК МОҲИЯТИ

Президентимиз яқинда Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини бошқарар экан, **"Баркамол авлод деганда, аввало соғлом наслни тушунамиз"** деб таъкидлади. Бу соҳадаги вазифаларни белгилаб, баркамоллик фалсафасини ифодалаб берди. Айнан тана ва руҳ баркамоллиги инсондаги барча хислатларга — жисмоний, ақлий, руҳий ва маънавий улғайишга асос бўлишини аниқ-тиниқ қилиб яна бир бор тушунтириб берди Юртбошимиз. Спорт ёш авлодга нафақат соғлом ва бақувват бўлиб етишиш, балки умуман оилада ва жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиши айтилди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, айниқса, малакали спорт устозлари ва мураббийларни жалб этиш ҳар бир ҳудудда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилаётганлиги таъкидланди. Президентимиз шуни алоҳида уқтириб ўтдики, айнан соғлом турмуш тарзи ёш авлодда спортга иштиёқ, ўз олдига мақсад қўя олиш, ғалабага интилишни ҳосил қилади, ёшларнинг фикрини тиниқ қилади, бу эса оқибатда оилага, атрофдагиларга, жамиятга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Қолаверса, спорт билан мунтазам шуғулланиш ёшларимизни турли иллатлардан ҳам ишончли тарзда ҳимоя қила олади.

Дунёнинг бирор-бир мамлакатида болалар спортини ташкилий жиҳатдан бошқарадиган ташкилот бўлмаган бир пайтда мамлакатимизда ўз вақтида дадил ташаббус кўрсатилиб, 2003—2009 йилларда 1123та спорт мажмуаси, шулардан 922таси қишлоқ жойларда қад ростлагани ҳақиқий маънода мўъжизадир. Бугунги кунда узоқ қишлоқларда ҳам спортнинг йигирмадан ортиқ тури билан шуғулланиб, дунёнинг турли нуфузли мусобақаларидан ғалабалар билан қайтаётган ўғил-қизларимиз жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб бораётганидан ҳақли равишда ғурурланамиз. Спорт мусобақалари, айниқса уч босқичли спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари эса юртимиз шаънини баланд кўтарувчи туғга айланиб улгурди.

Тана ва руҳ уйғунлиги ҳақида фикр юритдик. Юқорида номи зикр этилган мажлисни телевизор экранларида кўриб ёки тафсилотларини газетадан ўқибоқ, ҳар қандай ўзини ҳурмат қиладиган инсон ифтихор туймай қолмади. Давлат сиёсати даражасида фарзандларимизнинг жисмоний ва руҳий камолоти ҳақида, спорт иншоотлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши ҳақида сўз юритилди. Эътибор беринг: болалар спорти ва мусиқаси ҳақида! Шу йилнинг ўзида 11та янги спорт иншооти ва 14та болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилиши, 40та спорт зали қурилиши, мусиқа ва санъат мактабларининг ўзига 36 миллиард сўм ажратилиши ҳақида гапирилди. Энг муҳими, мамлакатимизда болалар спорти ва санъати комплекс тарзда ривожланиб бораётганлигини давлатимиз раҳбарининг ўзи қайд этди. Бу ноёб ҳодисага ғоявий жиҳатдан баҳо берар экан, Президентимиз шундай таъкидлади: **"Спорт билан мусиқа чамбарчас боғликдир. Спорт танани пишитади, чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир".**

Донишмандларнинг қадимдан келаётган "Илдизга боқ!" деган гапи бор. Президентимизнинг фикрида бола ва инсон баркамоллигининг илдизига ишора аниқ кўзга ташланади. Зеро, фарзандларимизда доимий бандлик турмуш тарзини шакллантириш, ижодга, илмга, спортга, умуман ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ҳаётга интилиш ҳиссини, яратувчилик руҳини тарбиялаш ҳаётга, одамларга, Ватанга муҳаббатни шакллантириши боис юқоридаги гаплардан жиддий хулоса чиқа-

Dunyoning biror-bir mamlakatida bolalar sportini tashkiliy jihatdan boshqaradigan tashkilot bo'lmagan bir paytda mamlakatimizda o'z vaqtida dadil tashabbus ko'rsatilib, 2003-2009 yillarda 1123ta sport majmuasi, shulardan 922tasi qishloq joylarda qad rostlagani haqiqiy ma'noda mo''jizadir.

2010-yil — Barkamol avlod yili

БАРКАМОЛ АВЛОД – ВАТАН ТАЯНЧИ

ришимиз зарур. Айниқса, болалар спорт объектларини, мусиқа ва санъат мактаблари бинолари, улардаги кўплаб анжомларни кўз қорачиғидек асраш, улардан самарали фойдаланиш, спорт ва мусиқанинг миллат ва жамият соғлиги, кайфияти ва дунёқарашига улкан ижобий таъсирини фаол тарғиб этиш биз мураббийлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

ТИНЧЛИК ҚАДРИ

Бугунги тинч ва осуда шароитда таълим олаётган фарзандларимиз истиқболини кўз олдимизга келтирар эканмиз, беихтиёр яқин ўтмиш хотирага келади. Эсимизда, ўзининг миллионлаб аскарларию даҳшатли ҳарбий техникаси билан дунёнинг ярмини титратган собиқ шўролар даврида фуқароларда тинчлик йўқ эди. Балки шундай армия мавжудлигининг ўзи одамларга тинчлик бермагандир. Тинчлик осмонда қушнинг парвозичалик бир осойишта шароит эканлигини англамагандирмиз. Бугунги кунда кўчаларимиз равон, кундузларимиз осойишта, тунларимиз нурафшон бўлгач, **тинчлик** деган улуғ неъмат, тирноғининг учигача қурол-яроғ билан ҳал бўлмаслигини, бу — ҳукуматнинг оқилона сиёсати натижаси эканлигини теранроқ ҳис эта бошладик. Энди шундай осойишта шароитда бутун мамлакатимиз бўйлаб ҳар куни обод билим масканларида таълим-тарбия олаётган фарзандларимизни кўз олдимизга келтирсак, келажакка ишонч завқини туямиз. Зеро, XXI асрда тараққиёт тақдири айнан мактаб синфхоналарида ҳал бўлади, десак муболаға бўлмайди.

ЎҚУВЧИЛИК САОДАТИ

Халқимизда "Болалик — пошшолик" деган гап бор. Халқимизнинг энг яхши фазилатларини, айниқса болажонлик жиҳатларини давлат сиёсатига жо қила олган давлатимиз раҳбари **"Халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажагини, бахту саодатини ўйлаб яшайди"** дея фикр юритади.

Болаларга бундай муносабат таълимга оид давлат сиёсатида, унинг ҳаётга жорий бўлаётган тамойилларида тўла намоён бўлмоқда. Буни бепул ўн икки йиллик таълим тизими, таълим ва тарбияга тўлиқ қамраб олиш, ҳар бир фарзанд миллатидан, ижтимоий келиб чиқишидан, яшаш жойидан, соғлом ёки носоғлом бўлишидан қатъи назар таълим ва тарбия олишининг кафолатланганлиги, узвийлик ва узлуксизлигида кўришимиз мумкин. Бундай тамойилларни амалда жорий этишни мустақилликка эришган мамлакатлар у ёқда турсин, унча-мунча ривожланган давлатлар ҳам уддалай олмаётгани ҳақиқат.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида болалар қашшоқлик туфайли мактабга умуман бормаётган, дунё бўйлаб давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ҳатто ривожланган мамлакатларнинг ҳам ҳоли танг бўлиб турган бир пайтда болаларга Ўзбекистоннинг асосий бойлиги сифатида ғамхўрлик қилиш осон иш эмас. Тинч шароитда замонавий мактабларда ўқиётган фарзандларнинг мукаммал билим олишларини кафолатлаш ва таъминлаш борасида мамлакатимиз амалда кўпларга ўрнакдир.

Мисол учун бепул ва мажбурий ўн икки йиллик таълим тамойилини олиб кўрайлик. Сир эмаски, кўп мамлакатларда ҳукумат халқнинг саводхонлиги даражаси билан ҳар доим ҳам қизиқавермайди. Шундан бўлса керак, саводсизлик даражаси юқори. Шукрки, бизда 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий этилиши билан узоқ стратегик мақсад амалга оширилмоқда. Масаланинг моҳияти шундаки, олти-етти ёшида мактабга борган фарзанд ўн икки йиллик мажбурий таълим олгандан сўнг, 18-19 ёшига бориб тўла саводхон, унинг устига ҳунарли бўлиб, мустақил ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлади. Шу тариқа вояга етган миллионлаб фарзандлар наинки шахсий ҳаётини қура олади, балки бир умрлик зиёли бўлиб, оиласини, ота-онасини, миллатини ўйлайдиган, бошқаларга ҳам илм-ҳунар ўргатадиган шахсга айланиши шубҳасиз. Бу мамлакатимиз раҳбарининг **"Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт"** деган ғояси замирида теран сиёсат ётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда таълим бўйича шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутга барҳам бериш бўйича амалга оширилган ишларни олиб кўрайлик. Бир пайтлар эски тузум ва унинг мафкураси ҳукмронлиги даврида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқ йўқолиши ўрнига баттар чуқурлашди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу масалани ҳал қилишнинг ҳам намунасини кўрсатиб берди. Узоқ қишлоқ ҳудудларида янги қурилган юзлаб мактаблар, коллеж ва лицейлар, спорт иншоотлари, сув ҳавзалари, шинам турар жойлар, ёшлар ижодиёт марказлари, алоқа ва мулоқот иншоотлари – булар бир ўспирин вояга етгудеккина қисқа даврда барпо этилганлигига ҳайрон қолишга ҳам улгурмаяпмиз.

МАЪНАВИЯТ: ДАВР ХУСУСИЯТИ

Юксак маънавият таълим-тарбиянинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида белгиланганлиги мамлакатимиз таълим тизими афзалликларидан яна биридир.

Аслида ҳам маънавият, унинг тақдири бугунги кунда бутун инсониятнинг муҳим муаммосига айланиб улгурди. Бугунги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда дунё мафкуравий ва геосиёсий майдонларида гоҳида ошкора, гоҳида зимдан бораётган кураш авжига чиқмоқда. Мустақил давлатимиз келажаги, халқимиз учун таҳдид, аввало, ёш авлоднинг маънавий оламига бўлаётган жиддий хавф-хатарларда кўзга ташланмоқда. Миллий менталитетимиз, дунёқараш ва тафаккуримиз, фазилат ва хусусиятларимиз, энг муҳими, эзгу ва олижаноб мақсадларимизга мутлақо ёт бўлган ғоялар, қарашлар, сунъий "қадрият" ва "анъана"ларни турли йўллар билан тиқиштиришга уринишларни, бир сўз билан айтганда, маънавий экспансия кўринишларини бугун ҳар қадамда учратиш мумкин.

Бундай шароитда юксак маънавиятгина ўсиб келаётган ёш авлодни глобаллашув, геосиёсий ва мафкуравий зиддиятларнинг салбий таъсиридан муносиб ҳимоя қилиш имконини беради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"Маънавиятни йўқотсак, ўзимиз ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз муродмақсадимизга етишда кучли мадад топамиз".**

Инсон, аввало, ўқувчилик давридан бошлаб шаклланади. Шунинг учун маънавий-ахлоқий тарбия борасида камчиликларга йўл қўймаслик учун бутун таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбия жараёни концептуал асосда, яхлит тизим ва аниқ чора-тадбирлар кўламида, барча босқичларда ва ҳудудларда мунтазам ва узлуксиз олиб борилиши зарур. Асосий эътибор маънавий-маърифий ишлар жараёнининг ўзигагина эмас, унинг пировард натижалари ва самараларига қаратилиши зарур. Бунда маънавий-маърифий ишларни тизимли асосда ташкил этиш, узлуксиз мониторинг, баҳолаш ва прогнозлаш механизмларини йўлга қўйиш, бу соҳадаги фаолиятнинг ташкилий, мазмун ва методик жиҳатларини кучайтириш, янги усул ва воситаларни амалиётга жорий этиш талаб этилади.

Маънавият ҳақида қанча даъватлар билдирилмасин, агар уни жамият онгига сингдириш учун домий иш олиб борилмаса, ўқувчи қалбига йўл топа олмаймиз. Давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизими инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа сифатида баҳоланганлиги ҳам шундандир. Шу маънода, ёш авлодни янги тафаккур соҳиблари сифатида тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларга таянган ҳолда таълимнинг инсон ва жамият ривожидаги таъсирини янада ошириш, бунда эса ёш қалбларга эзгулик, яратувчилик руҳини сингдириш ишларига давр талаблари асосида ёндашишимиз даркор.

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ

Бағрикенгликни дунёдаги кўплаб мамлакатлар орзу қилади. Уни айрим юртларда «кундуз куни чироқ ёқиб» ҳам топиб бўлмайди. Ёнма-ён юз йиллаб, асрлар давомида яшаб ҳам ёв, душман бўлиб келаётган ҳудудлар оз эмас. Акс ҳолда, Яқин Шарқдаги можаролар, Шимолий Ирландия, Кавказ ортидаги неча йиллардан бери давом этиб келаётган зиддиятлар аллақачон ҳал бўларди. Сабаби — бағрикенглик ҳам Худо берган бир хислат. Ана шу хислатни деб ҳар йили Жаҳон толерантлик куни ҳам нишонланади. Шукрки, бағрикенглик халқимизнинг қонида бор, шу туфайли бағрикенглик бизда асрлар мобайнида барҳаёт. Шундан бўлса керак, юртимизга келган меҳмонлар нафақат очиқ осмонимиз, осуда ҳаётимиз, балки бу ернинг меҳмондўст халқи, одамларимизнинг кенгфеъллиги, ўзаро ҳурмат, тотувлигига ҳам ҳавас билан қарашади.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7та тилда олиб борилиши шундан эмасми?! Бундай тажриба бутун МДҲ ҳудудларида ноёблигича қолмоқда. Айрим мамлакатларда таълимни бир тилда олиб боришга уринишлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон тажрибаси инсонпарварлик тимсолидир. Дунёда миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамоҳанглик касб этган бошқа бирор-бир юрт йўқ. Шу ўринда бизга демократияни «ўргатмоқчи бўлаётган» айрим ўзга юрт кимсаларининг ҳолатини маҳмадона шогирднинг кўпни кўрган устоз олдидаги чиранишига ўхшатиш мумкин. Аслида демократиянинг илдизи, унинг тамал тоши, боши ва охири айнан бағрикенглик эканлигини бундай олифта сиёсатдонлар унутиб қўйганлиги одамни бироз ранжитади, холос.

Халқимиз феълидаги бағрикенглик аслида шарқона демократиянинг асосидир, зеро демократия, аввало, маънавий қадриятлардан куч олади, озиқланади. Маънавият демократияни парваришлайди ва улғайтиради.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

"Президентга мактублар" китобини ўқиймиз... Аслида бу китоб — тарбия, таълим, бахт ва саодатга эришиш ҳақидаги ғояларга бой манбадир. Китобдан жой олган кўплаб ғоялардан бири — барча эзгуликлар болалар учун, уларнинг камолоти учун ғоясидир. "Баркамол авлод" йилининг асл мақсади ҳам шу ғояга йўғрилган деб айта оламиз. Бу каби дастурларни ўзига раво кўраётган, уни амалга ошириш учун зарур имкониятларни топа олаётган мамлакатлар кўп эмас. Куч-қудрати беҳад ошиб кетган баъзи мамлакатлар ҳам бунга қодир бўлмаяпти. Сабаби бунинг учун улкан донолик, улуғвор руҳ зарур. Моддиятни ва маънавиятни тенг кўра олиш зарур. Шу маънода, юртимизда мактаблар шунчаки янгидан қурилиб қолмаяпти, уларга янги жиҳозлар ва китоблар билан бирга ғоялар кириб келмоқда, дунёқараш янгиланмоқда. Хусусан, ўқувчи-ёшлар иқтидорини юзага чиқаришга қаратилган спорт ўйинлари, фан олимпиадалари, бошқа оммавий тадбирлар — булар таълимга қилинаётган эътибор билан бирга келажакка эътибор, унинг пойдеворини мустаҳкамлашдир. Бу мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ижодкор, интилувчан ёшларни юзага чиқариб, улардаги истеъдоднинг ҳавас ва иштиёқ билан қанот ёзишига асосдир. Яратилаётган шароитлардан фойдаланиб, ғайрат билан мақсадга эришиш тажрибасидир.

Муҳими, мамлакатимиз раҳбари ташаббуслари билан болалар учун қилинаётган ғамхўрлик — бу юрт келажаги ҳақида теран фикр қилиш, ёруғ истиқболни ҳозирнинг ўзидан кўра билишдир. Кўплаб мамлакатларда фақат иқтисоднигина бир неча йилларга "прогноз" қилаётган раҳбарларнинг тушига ҳам кирмаётган бундай ташвиш мустақил юрт истиқболининг ўзига хос режаси ҳамдир. Буни юрт фарзандларининг таълими, тарбияси ва саодатли ҳаётини таъминлашга қаратилган хушқибатли сиёсат, дейиш мумкин. Бугунги кунда баркамол авлод ғоясини жамиятга тақдим этиб, уни амалга оширишнинг амалий режасини ишлаб чиққан ва жорий этаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон асримизда тараққиёт тақдири кўп жиҳатдан ўқув даргоҳларида ҳал бўлишини исботламоқда.

Абдуғани ХОЛБЕКОВ

☑ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА "АДОЛАТ" СОЦИАЛ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ "КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА "АДОЛАТ" СОЦИАЛ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИШТИРОКИ" МАВЗУСИДА КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда қонун устуворлигининг аҳамияти, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари юзасидан маърузалар тингланди.

— Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш устувор вазифалардан биридир. Фуқаролик жамиятининг кафолати эса қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатда мужассамлашган. Ижтимоий адолатни қарор топтириш учун, айниқса, ёшлар онгида қонунларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш муҳим аҳамият касб этади, — дея таъкидлади анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси фракцияси раҳбари Исмоил Саифназаров.

Конференцияда сўзга чиқан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М.Зуфарова:

— Аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги барчамизга маълум. Хотин-қизлар қўмитаси таълим соҳасининг барча жабҳалари билан ҳамкорликда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш юзасидан самарали ишлар олиб бормоқда. Таълим масканларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни, олималарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўриляпти. Балоғат ёшига етмаган қизларнинг турмуш қуришларининг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилаяпти, — дея таъкидлаб ўтди.

Анжуман сўнгида саволлар, таклиф ва фикр-мулоҳазаларга кенг ўрин ажратилди. Барча саволларга партия аъзолари ҳамда тегишли мутахассислар жавоб қайтардилар.

Ғолиб БАҲРОМОВ

☑ МЕТОДИСТ ОЛИМЛАР БИЛАН ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ДОИМИЙ МУЛОҚОТДА БЎЛИБ ТУРИШИ ФОЙДАДАН ХОЛИ ЭМАС. ШУ МАҚСАДДА ҚИБРАЙ ТУМАНИДАГИ 25-МАКТАБДА РТМ МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Қибрай туманидаги 40дан ортиқ мактаб ўқитувчилари иштирок этишди. «Она тили» (7-синф) дарслиги муаллифларидан бири, РТМ филология бўлими бошлиғи Муҳаббат Абдураимова ўқитувчилар билан модернизация қилинган дарсликлар, улардаги ютуқ ва камчиликлар, матн яратиш ҳақида суҳбатлашди. Ўз навбатида ўқитувчилар ҳам дарсликдан қандай фойдаланаётганлари, унинг дизайни, мазмуни бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди. ЎзМУ доценти Муҳаммаджон Қодиров эса ўқувчиларни фаоллаштириш, ўқитувчининг синфни бошқаришдаги ўзига хос усулларга тўхталиб ўтди. РТМ бош мутахассиси Назира Ғуломованинг мумтоз адабиётни ўқитишдаги илғор усулларга қаратилган тажрибаси ўқитувчиларга катта методик ёрдам берди.

Давра суҳбатидан сўнг «Ифодали ўқиш» тўгараги раҳбари Саида Алматованинг ўқувчилари мумтоз адабиёт намояндаларининг ғазаллари асосида баҳру байт, Махсума Зияева раҳбарлигидаги тўгарак аъзолари эса «Шум бола» асаридан саҳна кўринишларини ижро этишди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

☑ МАРТ—ФИЗИКА, КИМЁ, БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 192-МАКТАБДА "ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДАРСЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДКОРЛИГИНИ ОШИРИШ" МАВЗУСИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда кимё ва биология фанларидан очиқ дарслар намойиш этилди. Ўқитувчи Ҳулкар Валижонова "Асосларнинг олиниши ва хоссалари" мавзусидаги машғулотида ўқувчилар фаоллигини таъминлаб, лаборатория иши орқали мавзуни очиб берди. Семинар давомида ўқувчилар томонидан биология фан ойлиги давомида ташкил этилган жонли бурчак—қушлар ва ўсимликлар олами ҳам намойиш этилди.

Шунингдек, тадбирда таълим муассасаларида ўтказилаётган фан ойлигини уюшқоқлик билан ўтказиш, унда ўқувчиларнинг ижодкорлик билан иштирок этишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



☑ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 153-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА «БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.

«Баркамол авлод йили» ҳамда баҳорий байрамларга бағишланган ушбу танловда таълим муассасасининг 3-«А» ва 4-«А» синф ўқувчилари ўз маҳоратларини намойиш қилди.

Тадбир жараёнида қизалоқларнинг тарбиявий аҳамиятга эга чиқишлари йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Қатнашчиларнинг кўрик-танловга ҳар томонлама тайёргарлик кўриши, жумладан, миллий анъана ва урф-одатларимиздан намуналар ижро этишида бошланғич синф ўқитувчилари Кибора Абилова ҳамда Назира Иномованинг улуши катта бўлди.

Танлов қизғин ва қизиқарли шартларга бой тарзда кечди. Энг муҳими, унда иштирок этган барча қизлар ижро этган куй-қўшиқлари, рақслари ҳамда саҳна кўринишлари билан ўз момоларига муносиб издош эканликларини исботладилар.

Махин ОМАРОВА,
Тошкент шаҳридаги 153-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

☑ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДЕБ НОМЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЁШ АВЛОДНИ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БИР ҚАНЧА САМАРАЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Тошкент ислом университетида хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган «Гулшан аро гулчеҳралар» номли кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловда университет талаба-қизлари орасидан сараланган етти нафари ўзаро беллашдилар. Кўрик-танловда қизлар билимлари, пазандаликлари ҳамда ижодий қобилиятларини синовдан ўтказдилар. Оиладаги турли муносабатлар чиройли саҳна кўринишлари орқали кўрсатиб берилди. Қизларнинг каштачилик, тикувчилик, зардўзлик каби амалий санъат намуналаридан ҳам моҳирликлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Танловда ғолиб бўлган ва фаол қатнашган қизлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зайнаб КОМИЛЖОНОВА

☑ НАВРЎЗ АЙЁМИНИ ФАОЛИЯТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШ ИНСОНГА, АЙНИҚСА ЁШ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРГА ЯНАДА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БАХШ ЭТАДИ.



Пойтахтимиздаги 22-болалар мусиқа мактаби жамоаси яшариш ва гўзаллик байрамини ана шундай кайфиятда кутиб олмоқда.

— Тарбияланувчиларимиз юз-кўзидаги қувончни кўриб педагогик жамоамиз ҳам янада ёшаргандек бўлди, — дейди ушбу маскан раҳбари Норқул Ризаев. — Баркамол авлод шодиёнаси «Санъат ғунчалари» ҳамда эстрада ва академик ижро бўйича туман ва шаҳар миқёсидаги кўрик-танловларда ғолиб бўлган ўғил-қизларимизнинг ютуқлари билан янада тантанали тус олгани барчамизни қувонтирди.

Тадбир тантаналари мазкур муассаса тарбияланувчиларининг куй-қўшиқларига уланди.

Ш.НИШОНОВ

☑ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 223-МАКТАБДА ЎТКАЗИЛГАН «ОТА-ОНАЛАР ЙИҒИЛИШИ» «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ГА АЙЛАНИБ КЕТДИ.

Сабаби, тадбирга ташриф буюрган ота-оналар йиғилишда фарзандининг фақат таълим-тарбияси ҳақидаги маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, уларнинг келажакда қайси касбни танлаши ҳақида ҳам билиб олишди. Мактабга тумандаги бир нечта коллежлардан ташриф буюрган мутахассислар таълим муассасаларида яратиб берилган шарт-шароитлар ҳақида ота-оналарга гапириб беришди.

Мактабни бу йил 117 нафар ўқувчи тамомлайди. Мактаб амалиётчи-психологи М.Усмонова олган тест натижалари битирувчиларнинг аксарияти аниқ, ижтимоий-гуманитар йўналишидаги фанларга лаёқати борлигини кўрсатди. Буни инобатга олган мактаб раҳбарияти Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи, Тошкент саноат касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

Ҳ.РАЖАБОВА

☑ ЧИРЧИҚ ШАҲАР ХТБГА ҚАРАШЛИ 2-МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАРГА БОШЛАНҒИЧ СИНФДАН 7-СИНФГАЧА МУСИҚА САНЪАТИ ЎРГАТИЛАДИ.

Яқинда ушбу таълим масканида мусиқа фанидан дарс ўтиш бўйича семинар ташкил этилди. Унда тумандаги бошқа мактабларнинг мусиқа ўқитувчилари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Семинарнинг бошқа тадбирлардан фарқи шунда бўлдики, Наврўз байрами арафасида ўтказилганлиги учун унинг давоми мактаб ўқувчилари томонидан куйланган ажойиб қўшиқлар, ижро этилган саҳна кўринишлари ва бошқа қатор чиқишларга уланиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, тадбирга таклиф этилган барча меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, сочларига жамалак таққан жажжи қизалоқларнинг атлас кўйлакларда, бошларида дўппи билан чиройли рақслар ижро этишгани барчада баҳорий кайфият уйғотди.

Райҳона ОЧИЛОВА

☑ НАВРЎЗ АЙЁМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ БОР. МАЗКУР БАЙРАМ БАҲОНА ЮРТДА ТОЗАЛИК, ОБОДОНЧИЛИК, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА ЯНА БИР БОРА УРҒУ БЕРИЛАДИ.

Айниқса Наврўз тадбирларида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг яна бир бора ёдга олиниши тарбия бобида ҳам муҳим ўрин тутади.

Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ҳудуддаги 105-мактаб-интернатда ташкил этилган фестиваль ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилгани билан эътиборли бўлди. «Урф-одатлар, анъаналар ва ёшлар» лойиҳаси доирасида уюштирилган мазкур тадбирда бошланган сумалак сайли марказнинг «Ифор» фольклор гуруҳи томонидан тайёрланган «Хўжа Насриддин биз билан» мавзусидаги театрлаштирилган саҳна кўринишларига уланиб тўпланганларга хуш кайфият улашди. Шу куни «Ассалом, Наврўз» дея номланган суратлар танлови, «Моҳир қўллар», «Баҳорий таомлар» кўргазмалари, «Варрак учириш» мусобақалари ҳам ташкил этилди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

Noan'anaviy tarzda tashkil etiladigan darslar trening usulida o'quvchilar faolligida o'tiladi. Bunday usul o'quvchining erkin fikrlashi, mavzular bo'yicha mustaqil ishlashini ta'minlaydi.

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида ҳамшира бўлиб ишлаётган Ҳафиза опа ҳали мактабга чиқмаган ўғлини уйда унга қарайдиган одам қолмагани учун ишхонага олиб борарди. Тасодифни қарангки, миттигина юрагида катта орзуларни жойлаб, волидасининг ортидан «иш»га отланаётган Фурқат онасининг ишхонасидаги шифокорларнинг ҳаракатини кузатиб, улардек оппоқ халат кийишни, беморларга дармон улашишни ният қиларди. Тунлари тезроқ тонг отишини кутар, онасидан олдин кийиниб «иш»га тайёргарлик кўрарди.

Бу пайт зийрак Фурқат шифокорлар билан тезда тил топишиб олган, уларнинг ҳаракатларидан шифокорликнинг энг кичик элементларидан тортиб айрим мураккаброқларини ҳам ўргана бошлаганди. Айниқса, АДТИ клиникасининг 1-асаб касалликлари бўлими ходими, доцент Улуғбек Абдуқодировнинг ширин муомаласидан боланинг қалби янада кўпроқ орзуларга тўлди. Қолаверса, бу ердаги соғлом муҳит Фурқатни тиббиётнинг айнан асаб касалликлари йўналишини танлашига туртки бўлди. Кейин у Улуғбек ака билан беморлар ҳолидан хабар олар, керакли дориларнинг рўйхатини ёдида тезда сақлаб қоларди.

Мактабга чиқса-да, бу даргоҳдан узилмасди, дарсдан кейин ҳам вақтини шифохонада ўтказа бошлади. Унинг бу ҳаракатларини кузатган Улуғбек ака Ҳафиза опага «Ўғлингизда шифокорликка қизиқиш катта, буни ўстириш керак» дея маслаҳат берди ва унга тиббий билим беришни ўз бўйнига олди...

Фурқат устозининг ишончини оқлади. У имтиҳонлардан қийинчиликларсиз ўтди. Сабаби, Фурқат ёшлигидан тиббиёт ҳақидаги билимлардан хабардор эди-да. Қолаверса, мактабда ҳам — «Ёш физиклар», «Ёш биологлар» «Қизиқарли математика» фан тўгаракларига қатнаганди. Институтга киргач эса, талабаларнинг илмий-амалий конференцияларида ҳам бир нечта маърузалари билан иштирок этди. Фурқат ҳатто институтга киргандан кейин ҳам болалигида катта бўлган клиникани тарк этмади. Дарсдан кейин АДТИ клиникаси 1-асаб касалликлари бўлимида кечки навбатчиликка ҳам қолиб, беморлар дардига даво излай бошлади.

Шифокорга осон тутманг...

— Ўз устимда кўпроқ ишлайман, — дейди тадқиқотчи Фурқат Самадов. — Чунки бизнинг касбимизда шунга мажбурсиз. Ҳар кунлик иш жараёнимиз ҳам биз учун бир сабоқ. Қабулимизга ҳар хил бемор келади. Ҳар бирига алоҳида ёндашув талаб этилади. Агар маълум бир касалликнинг тарихини билмай қолсам, шунга оид китобларни «титкилайман». Интернетдан фойдаланаман. Устозларимдан маслаҳатлар оламан.

Шифокор халқи бир умр китоб ўқиб, малакасини ошириши, тиббиёт оламидаги янгиликлардан бохабар бўлиб, ўрганганларини такрорлаб туриши зарур. Илмий ишим мавзуси «Оғир ҳолатда туғилган чақалоқларда неврологик асоратларни аниқлаш» бўйича. «Неврология, болалар неврологияси ва тиббий генетика» кафедраси мудири, профессор Гулчеҳра Содиқова раҳбарлигида изланишлар олиб боряпман. Устозим билан биргаликда бўлимга келган ҳар бир беморни мунтазам текширувдан ўтказяпмиз. Маълумки, атроф-муҳитнинг ўзгариши ҳамда турли стресслар — оилавий муаммолар, исталмаган ҳомиладорликлар оқибатида айрим чақалоқларнинг оғир ҳолатда дунёга келиш ҳолати ҳам кузатилиши мумкин. Мақсадимиз, ана шундай чақалоқларда неврологик ўзгаришларни эрта аниқлаш ва мақсадли даволаш.

Болада мия тўқимаси тез ўсиб боради ва унинг шикастланиши осон кечади. Бу шикастланиш қанча эрта аниқланса, натижаси шунча яхши бўлади.

Қувонарлиси, юртимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ, ҳар бир шифохона УЗД, МРТ, Неросонография каби замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Одатда стресс ҳолатда дунёга келган чақалоқларда кейинчалик, яъни у мактабга чиққанда асоратлари кўрина бошлайди. Ёдлаш хотираси сусаяди, фанларга қизиқиши пасаяди, тушунчаларни етарлича ўзлаштирмайди. Шуни инобатга олган ҳолда ҳозир ёш ота-оналарга фарзандига бефарқ бўлмаслигини қатъий тайинлаб, профилактик тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Клиникамизда «Репродуктив саломатлик» лойиҳаси айнан ана шу масалаларга қаратилган.

Ғолиблик шоҳсупасида

Фурқат Самадов 1983 йил 20 августда Андижон шаҳрида таваллуд топган. 2000 йили Андижон шаҳридаги 3-мактабнинг 9-синфини имтиёзли тамомлаб, Олтинкўл туманидаги 28-лицей-интернатига ўқишга кирди. 2000 йилда Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетига талабалар сафига давлат гранти асосида қабул қилинди. Сўнгра, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида болалар невропатологияси мутахассислиги бўйича магистрант бўлди. Фурқат Самадов ҳозирда институтнинг "Иқтидорли талабалар"и сафида. Москва, Украина, Омск, Италия каби давлат ва шаҳарларда чоп этилган талабалар илмий-амалий анжуманлар тўпламларида бир қатор мақолалари чоп этилган.

Тинмай изланаётган қаҳрамонимиз 2005—2006 ўқув йилида «Ибн Сино» давлат стипендияси танлови ғолиби, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган «Камолот» стипендияси соҳиби бўлди.

— Бугун истеъдодли ёшларимизнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, санъат ва маданият соҳаларида катта ютуқларга эришаётганлигини деярли ҳар куни эшитамиз. Бунинг ортида йиллар давомида қилинган жуда катта меҳнат, саъйи-ҳаракат, маҳорат ётади. Илмга талпиниб, ўз салоҳиятини намоён қилишга шайланаётган ёшлар буни унутмаслиги керак, — дейди Фурқат Самадов.

— **Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби** бўлганимни биринчи бўлиб отамга айтганман, — дейди у бироз ҳаяжонланиб. — Синов имтиҳонлари 10 кунлик босқичга бўлинди. Ҳар бир босқичдан ўтар эканман, имтиҳон натижасига мендан ҳам кўпроқ отам қизиқарди, ҳар доим «Болам, биз сен билан, ҳар қандай вазиятда ҳам тушкунликка тушмагин», деб қўллаб турди. Тан олиш керак, синовга кучлиларнинг кучлиси йиғилади. Ҳамма ҳаяжонда. Ниҳоят, ғолиблик менга насиб этди. Тошкентдан Андижонга отланар эканман, хаёлимда онамнинг қувончга тўла кўзларию, отамнинг «Умрингдан барака топ, болам!» деб қарши олишлари ўтди. Буни қарангки, анча олисда яшаётган бувим, бобом ҳам уйимизда йўлларимга кўз тикиб ўтирган эканлар. Қўлларини очиб мени узоқ дуо қилдилар...

Мақсадларим

Келгусида "Асаб касалликлари" соҳасида билимларимни ошириб янги ютуқларга эришиш, Ватаним учун етук, юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш, аспирантурада ўқишни мақсад қилганман.

Ҳар бир мамлакат, миллат ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида ўзига хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. Хуллас, Ватанимизда соғлом авлод туғилиб улғайишига ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида изланишлар олиб боряпман.

Ҳулкар ФАРМОН қизи,
"Ma'rifat" мухбири

"ДАРСИНГИЗНИ ОРЗИҚИБ КУТСИН"

танловнинг Жиззах вилояти ғолиби Насиба Шодмонқулованинг фикри шундай.

Баҳор чоғи қир ва адирларни қоплаган ям-яшил майсалар, эрта тонгда қуёш нуридан уйғонган гулғунчалар, кўча ва хиёбонларга ўзгача чирой бахш этган анвойи гуллар... Уларнинг чиройига боқиб тўймайсан, киши. Ўсимликлар ҳам ўзига хос тирик организм, ўз ривожланиш жараёни бор. Бу каби жараён қандай давом этар экан? Шу каби саволлар мактабда ўқиб юргандаёқ зийрак ва синчков Насибага тинчлик бермасди. Ана шу қизиқиш унинг биология фанига бўлган меҳрини янада оширди. Йиллар ўтиши билан биология фани юзасидан мактабда, туманда бўладиган турли тадбир ва кўрик-танловларнинг фаол иштирокчисига айланди, фан олимпиадаларида бир неча бор иштирок этди.

Биология фанининг сир-асрорларини мукаммал эгаллаш орзу-истаги Ғаллаорол туманидаги 26-мактабни тугатган Насиба Шодмонқуловани Самарқанд давлат университетининг биология факультетига ўқишга киришга чорлади. У талабалик йилларида ҳам ўзининг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб турарди. "Умуртқали ҳайвонларнинг қишки ва ёзги уйқуга кетиш хусусиятлари" мавзусидаги илмий-услубий қўлланмаси қўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ёш ва изланувчан ўқитувчи айни пайтда тумандаги 44-мактабда биология фанидан дарс бермоқда.

Изланиш, ижодкорлик, янгилик яратишга интилиш унинг доимий шиорига айланган. Шунинг учун ҳам унинг бирорта дарс ва машғулоти кўргазмали қуролларсиз ўтмайди. Бу ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини кун сайин ошириб, биология фанига бўлган меҳр ва муҳаббатини ўстирмоқда. Ноанъанавий тарзда ташкил этиладиган дарслар тренинг усулида ўқувчилар фаоллигида ўтилади. Бундай усул ўқувчининг эркин фикрлаши, мавзулар бўйича мустақил ишлашини таъминлайди. Ўқувчилар томонидан тайёрланадиган сермазмун ва қизиқарли кўргазмали қуроллар, реферат ва альбомлар ана шундай саъй-ҳаракатлар мевасидир. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан устозга нафақат мактабда, балки кўчада, уйда ҳам мурожаат қилишади. Аксарият ўқувчилар биология фанига оид турли қизиқарли маълумотлар тўплаш, матнлар тайёрлаш билан аллақачон шуғулланишга бошлашган.

"Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010"

— Ўқувчилар ҳар бир дарс ва машғулотни орзиқиб кутиши керак, — дейди биринчи тоифали биология фани ўқитувчиси Насиба Шодмонқулова. — Бунга эришиш осон эмас. Бунинг учун ўқитувчи катта масъулият билан ишлаши, ўз фани бўйича етарли ва батафсил маълумотга эга бўлиши зарур. Ўқувчиларга тўғри топшириқлар тақсимлаш, уларни ўз устида ишлашнинг турли ноанъанавий усулларидан фойдаланишга даъват этиш кўзланган мақсадга эришишни таъминлайди.

Бу йилги "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида Насиба Шодмонқулованинг очиқ дарсида бўлган кузатувчилар бунга яна бир бор гувоҳ бўлдилар. Гарчи нотаниш болалар билан машғулот олиб борган бўлса-да, Насиба ўқувчилар билан тил топишиш санъатини намойиш этди. Дарс жараёнида устоз билан ўқувчилар ўртасида самимий муносабат яратилдики, натижада машғулот бошдан охиригача савол-жавоблар, фикр-мулоҳазаларни эркин баён этиш билан давом этди. Устознинг ана шундай тажриба ва маҳорати танловнинг барча шартлари бўйича юқори балл тўплашига замин ҳозирлади. Насиба Шодмонқулованинг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши тасодиф эмас. Ёш ва изланувчан ўқитувчи ўзига билдирилган бу ишончни кейинги босқичда ҳам оқлашга қодир. Унинг тинимсиз изланиши, замон талаби даражасида иш юритиши фикримизнинг далилидир.

А.СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

барча юртдошларимизни Наврўз умумхалқ байрами билан муборакбод этади!
Жонажон Ватанимизда истиқомат қилаётган барча
миллат ва элатларга энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН АЗИЗЛАР!

2010-ЙИЛ — «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Мамлакатимиз аҳолисини, барча
ўқитувчи ва мураббий ҳамкасбларни
Наврўз умумхалқ байрами билан
муборакбод этамиз.
Наврўзда меҳр-мурувват,
бағрикенглик, сахийлик
каби инсоний
фазилатлар уйғунлашган.
Барчага Наврўзий хушчақчақлик,
қалбларга гўзаллик,
келажаги буюк давлатимизни
гуллаб-яшнатиш йўлида
улкан зафарлар тилаймиз.

"Yilning eng yaxshi maktabi — 2009"

ЯНГИЛИҚЛАР ҚАНОТ ЁЗАР...

«Йилнинг энг яхши мактаби — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаган Урганч шаҳридаги 10-мактаб жамоаси қувончига ўқувчилар ва ота-оналар ҳам шерик бўлди. Чунки ушбу таълим масканида билим олган ўқувчиларнинг кўпчилиги турли кўрик-танловларда мутлақ ғолиб дея эътироф этилади. Табиийки, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилмайди.

2008 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 135 млн. сўмлик маблағ эвазига капитал таъмирланган мактабнинг кўркам қиёфа касб этиши, синфхоналарнинг энг сўнгги русумдаги ўқув воситалари билан жиҳозланиши ўқитиш самарадорлигини янада баланд поғонага кўтармоқда. Билим даргоҳи ўқитувчилари янги педагогик технология асосида «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» лойиҳаси доирасида вилоятда ўтказилган семинар-тренингларда фаол қатнашиб келаяпти. Мактабнинг ўзида икки нафар тренер фаолият кўрсатаяпти. 2009 йилнинг январь ойидан бошлаб таълим маскани республика миқёсида мазкур лойиҳа бўйича таянч мактаб этиб белгиланди.

Ўқув муассасасида барча фан ўқитувчиларининг методик маҳоратини ошириш, ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам бериш, ўқитишнинг янги ва замонавий усулларидан амалда фойдаланиш мақсадида методик кенгаш ва методбирлашмалар фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган. Уларнинг йиғилишлари интерфаол усулларда ўтказилганлиги туфайли айни пайтда бу ерда «Илғор ўқитувчилар мактаби», «Ёш ўқитувчилар мактаби» фаолият олиб бораётир.

— 2009 йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ильвира Раҳимова фаол иштирок этганлиги учун республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, — дейди мактабнинг «Йўл ҳаракати қоидалари» фани ўқитувчиси Рустам Худойберганов. — Республика синовларида ҳам бу муаллима ўз маҳоратини муваффақиятли намойиш этиб, «Энг яхши дарс ишланмаси» номинациясига сазовор бўлди. Бу нафақат Ильвиранинг, балки бутун жамоамизнинг ютуғидир.

Ўқувчилар билимини яхшилашда ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, дарсда кўргазмали воситалардан самарали фойдаланишлари катта аҳамиятга эга. Мактаб ўқитувчиларининг бу борадаги ибратли ишларидан қувонасан, киши. Қарийб тўрт йилдан буён фан ўқитувчилари томонидан 50та ноанъанавий дарс ишланмаси, 24 нафар ўқитувчининг илғор иш тажрибаси шаҳар ва вилоят миқёсида ҳамда икки нафар тажрибали ўқитувчининг иш услуби республика миқёсида оммалаштирилди.

Мактаб педагогик жамоаси дарсда ўқувчилар билимини янада яхшилаш учун барча фанлардан турли хил мавзуларда кўргазмали қуроллар тайёрлаш билан бирга шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган «Оригинал кўргазмали қуроллар» танловида ҳам қатнашиб, фахрли ўринларга сазовор бўлмоқда. Жумладан, «Йўл ҳаракати қоидалари» фани ўқитувчиси Рустам Худойберганов мазкур танловнинг вилоят босқичида 1-ўринни, инглиз тили фани ўқитувчиси Мария Склярова ҳамда бошланғич синф ўқитувчиси Камола Тожиева 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Бугунги даврнинг муҳим вазифаларидан бири таълим-тарбия тизимида ўқувчиларни меҳнат ва касблар оламига олиб киришдан иборатдир. Бу борада, айниқса, турли касб ва фан тўгаракларининг аҳида ўрни бор. Ўқув масканида 60та фан, 56та касб-ҳунарга йўналтирувчи ҳамда 9та спорт тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Бу тўгаракларга мактабдаги жами 1356 нафар ўғил-қизнинг барчаси жалб қилинган. Ўқув масканидаги спорт ва касб-ҳунарга йўналтирувчи тўгарак хоналарининг барчаси замон талаблари асосида жиҳозланган. Тўгарак машғулотлари талаб даражасида ташкил этилгани учун мактаб ўқувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларда ҳам мунтазам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишаётир.

— Мен «Ёш техник» тўгарагига аъзоман, — дейди 7-синф ўқувчиси Раҳимбой Ҳайитбоев. — Ўтган йили Тошкентда ўтказилган «Ижодкор ихтирочи болалар» танловининг республика босқичида фаол қатнашганлигим учун Ўзбекистон Республикаси патент идораси томонидан фахрий ёрлиқ, совғалар билан тақдирландим. Бугунги кун ўқувчиси ижодий изланиб билим олса, камолот чўққиси томон илгарилаб бораверар экан.

Ўқув даргоҳининг 9-синф ўқувчиси Музаффар Рустамов мактабда корейс тилини пухта ўрганиб, вилоятдаги Корейс маданияти маркази томонидан ўтказилган танловда ғолибликни қўлга киритганлиги учун Корея давлатидаги коллежлардан бирига ўқишга юборилди. Бу эса Музаффарнинг тенгдошларининг ҳам илм олишга бўлган қизиқишларини кучайтирди.

— Ҳозирги куннинг долзарб талабларига кўра, ҳар бир синфда миллий қадриятларни ўрганишни режалаштириш, раҳбарлик ва назорат қилиш, синф жамоаси, ҳар бир ўқувчининг маънавий эҳтиёжи, талаби, қизиқишини билиш, тарбиявий тадбирларда ноанъанавий усулларни қўллаш, тарихий-ўлкашунослик ишларини амалга ошириш, ота-оналар билан доимий равишда мулоқотда бўлиш лозим, — дейди ўқув маскани директори Райҳона Тулякова. — Бу ишларнинг барчаси мактабимизда кенг йўлга қўйилган бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар доимо ўзларининг масъулликларини ҳис қилиб туришади.

Мазкур даргоҳда моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида ҳам анчагина тажриба тўпланган. Хусусан, мактаб ўқувчилари томонидан топширилган металломдан 5,5 млн. сўм, макулатурадан 564 минг сўм, мактабнинг коммунал тўловлари ҳисобидан тежаб қолинган маблағ ҳисобидан 4,2 млн. сўм, ҳомийлар томонидан берилган ёрдам ҳисобидан 3,5 млн. сўм, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобидан, яъни Россия давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 1 млн. 800 минг сўм маблағ мактаб ҳисоб рақамига ўтказилган бўлиб, шунинг натижасида бугунги кунда мактабнинг жами маблағи 16 млн. сўмни ташкил этади. Шунингдек, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўқув даргоҳи кутубхонасига китоб ва дарсликлар, Корейс маданияти маркази томонидан магнитофон ва корейс тилидаги китоб-дафтарлар туҳфа этилди.



Ўқув муассасаси ўқувчилари фан олимпиадаларида ҳам совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. 2008-2009 ўқув йили фан олимпиадаларининг шаҳар, вилоят босқичларида мактаб ўқувчилари муваффақиятли иштирок этиб, 3-ўринга сазовор бўлди.

«Йилнинг энг яхши мактаби — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига пухта тайёргарлик кўраётган мактаб жамоасига биз ҳам муваффақият тилаймиз.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

TO'G'RI NUTQ — PUXTA BILIM ASOSI

O'quvchilarga to'g'ri bilim berish o'qituvchidan mas'uliyat, ko'p mehnat, izlanish va ijodkorlik talab qiladi. Ayniqsa, boshlang'ich sinf o'qituvchisi barcha fanlardan xabardor bo'lishi shart. Fanlararo aloqa haqida gapiramizu, o'tayotgan mavzumizning boshqa fanlar bilan bog'lab o'rgatilishi kerakligini ayrim hollarda unutib qo'yamiz. Xususan, ona tili fani o'qish, tabiat, odobnoma, matematika fanlari bilan bevosita bog'liq bo'lib, o'quvchining ma'naviy-axloqiy fazilatlarga ega bo'lishi, ijodiy fikrlashi, atrof-muhitga ongli munosabatda bo'lishi va nutq madaniyatining rivojlanishi uchun xizmat qiladi.

Birinchi sinf o'quvchilarining og'zaki va yozma nutqini o'stirishda alifbe, ona tili, odobnoma singari darslar katta ahamiyatga ega. Bunda o'qituvchi quyidagi usullardan foydalanishi mumkin.

Sinab ko'ring

Rasm ustida ishlash. Alifbe kitobidagi **S, s** tovush-harfi ishtirok etgan soat, sochiq, soyabon so'zlari rasmli test orqali o'rganiladi. Salim bobosidan ona diyor haqida so'raganligi rasmlar orqali tasvirlangan. Ushbu matndan ham **s** harf-tovushi ishtirok etgan so'zlarni topib, ularni rasmlar yordamida bolalarga oson va tez tushuntirish mumkin.

Elim deb,
yurtim deb yashayman abad,
El-yurt baxti
mening baxtimdir abad —

she'ri yod oldirilib, har bir harfga mos ravishda tayyorlangan rasm-testda qo'ng'iroq, olma, nok, kapalak, echki, uy kabilar aks etgan bo'ladi. Ularni kuzatib, harf va tovushlar, bo'g'in va so'zlarni to'g'ri talaffuz qilishni o'rgatish mumkin. Shuningdek, bolalar rasmga qarab sarlavha topish, so'z va so'zlardan gap tuzishni o'rganadi. O'rganilgan harflar asosida she'rlar ham yod oladi.

O, o harfini o'rganayotganda ular olma, olxo'ri, olcha, olmaxon rasmlaridan so'zlar tuzadi va shu asosda she'r yod oladi. Olxo'ri rasmi yordamida:

Olxo'ri pishadi,
Qozonga tushadi.
Shakar suv bilan,
Qozonda pishadi —

she'rining ma'nosi tushuntirilib, so'zlarni to'g'ri talaffuz qilish o'rgatiladi. Nutqning to'g'ri, ravon bo'lishi va bolaning ko'proq so'zlarni o'zlashtirishida hikoyalar tuzishning ham ahamiyati katta. Masalan, olxo'ri haqida shunday hikoya aytish mumkin:

"Zumrad degan jamalak sochli qiz boqqa kiradi. U ko'm-ko'k maysalarni oralab, ko'prikdan o'tib, olxo'ri daraxtining tagiga keladi. Qo'llarini uzatgan edi, bo'yi yetmadi. Keyin u: — Olxo'ri, olxo'ri! Mevangdan ber! — dedi.

Olxo'ri bo'lsa: — Tez kunlarda pishaman, savatingga tushaman, o'shanda kel! — dedi.

Mana shunday voqealar asosida og'zaki hikoya tuzish bolani tabiat va atrofdagi hodisalarni kuzatib borishga o'rgatadi. Shuningdek, lug'at asosida ishlash ham o'quvchining har bir so'z ma'nosini anglab olishiga va bu so'zlardan o'z nutqida foydalanib so'z boyligini oshirishiga yordam beradi. Nutqni to'g'ri va ravon shakllantirishda yuqoridagi usullar bolani burro so'zlashga, muomala madaniyatini egallashga, suhbatda ishtirok etib, boshqalarni qunt bilan tinglashga o'rgatadi.

Savod o'rgatish davrida nutq o'stirish, og'zaki va yozma nutqqa nisbatan bolaning munosabati to'g'ri shakllantirilsa, u puxta bilim oladi, o'quv yili oxirida barcha harf va tovushlarni to'g'ri bilib, to'liq bo'g'inlab, so'zlarni qo'shib o'qiydigan darajaga yetadi.

Bundan tashqari, har bir bolaning qiziqishi, rang tanlay olishi, atrof-muhitga bo'lgan munosabati ham uning nutq boyligini oshiradi. Masalan, bolalarga o'zingiz sevgan rasmni chizing yoki rasm tanlab keling, deb topshiriq berasiz. Tanlangan rasm yordamida savol-javob qilish yoki she'rni yoddan aytirish so'zlarni to'g'ri talaffuz qilishga yordam beradi hamda uning uzoq vaqt yodda qolishini ta'minlaydi. Masalan, mashina rasmini chizgan bola uning rangi, kattaligi, chiroyliligi haqida gapiradi. Mashina so'zi 3 bo'g'in, 6 harfdan iborat va **sh** harfi birikma ekanligini bilib oladi.

1-sinf o'quvchilarining **k, g, p, b, d, t** harflarini yozishdagi xatolarini tuzatishda ham rasmli testlar katta ahamiyatga ega. O'quvchilar ko'pincha k o'rniga **g,** ayrim so'zlardagi **t** o'rniga **d** ni yozadilar. Bir so'z bilan aytganda, 1-sinfda o'qiydigan bola uchun bunday usullar bilan dars olib borish uning asosiy fanlarni qiynalmay o'zlashtirishiga yordam beradi.

Mopar HAYDAROVA,
Sherobod tumanidagi 60-maktabning boshlang'ich sinf o'qituvchisi,
O'zbekiston xalq o'qituvchisi

КҮН ҲАМАЛГА КИРДИ ЭРСА КЕЛДИ ОЛАМ НАВРЎЗИ!

Iqtibos

Халқимизнинг ардоқли байрамлари кўп. Байрамларсиз ҳаётимиз туссиз, зерикарли бўларди. Лекин, афсуски, ана шундай шод-хуррамлик кунлари ҳақида ҳамиша ҳам мазмунли, мароқ билан ўқиладиган, фикрчан мақолаларни учратмаймиз. Султонмурод Олимнинг «Байрамларимиз»(«Маънавият», 2008) китоби бунинг акси, яъни мазкур нашр бу мавзуда мазмунли ва қизиқарли ёзиш мумкинлигини, мумкингина эмас, балки шундай ёзиш бугунги куннинг талаби эканлигини таъкидлаб тургандек.

Китобда Ўзбекистон байрамлари тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилади: баъзи мақолаларда муайян байрамнинг тарихи «кавлаштирилган», айримларида «унинг мазмун-моҳияти шарҳланган, гоҳида кайфият ва ҳис-туйғу, шу байрам туғдирган фикр-мулоҳаза ўртага ташланган...». Бироқ, «Байрамларимиз»га киритилган барча мақолаларни бирлаштириб турадиган бир хислат бор: улар мазмунли, фикр уйғотадиган, баъзан китобхонни ўйлантирадиган, завқини келтирадиган мақолалардир. (Сизга тақдим этилаётган икки кичик мақола фикримиз далили бўла олади.)

«Байрамларимиз» китоби уч тилда — ўзбек, рус ва инглиз тилларида чиққан; 3 минг 500 нусхада босилган. Бинобарин, доим фойдаланиш мумкин бўлган бу китобни хоҳлаган одамнинг топиши қийин эмас.

М.САЪДИНОВ



«БЎЙИ БИРЛА СОЧИ ТЕНГ» КЕЛИНЧАК

Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида «менг» сўзига мисол тариқасида бир байт келтирилади: «Ва ҳусн таърифида улуғроқ холғаким, турклар «менг» от қўйғурлар, алар(*форсизабонлар* — **С.О.**) от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким, байт:

Анингким, ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти».

Устоз адабиётшунос, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Натан Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида XIV аср ўзбек шоири Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асари ҳақида гапириб, «Муҳокамат ул-луғатайн»да келтиришган ана шу байтнинг ғўзаллигини таърифлайди-да: «Бу мисраларни Навоий «Муҳаббатнома»дан олганми ёки уларни ашулаларда эшитганми — буни билмаймиз», деб ёзади.

Чиндан ҳам, Навоий бу байтни қаердан олган экан?

Байт — «Муҳаббатнома»нинг олтинчи қўшмисраси. Шоир кеча ва кундузни бир чиройли қиз ё келинчак каби тасаввур қилиб, унинг қизил юзида менг — катта хол яратди, лекин бўйи билан сочини тенг яратди, дейди. Бундаги қизил юз («ол энг») ва «бўй» рамзан — кундузни, «менг» ва «соч» — кечани билдиради. Демак, Худо кундуз билан кечани тенг қилиб яратди, дейилмоқчи. Умуман олганда, илол давомида жамъи кундузлар билан жамъи кечалар йиғиндиси ўзаро тенг-да.

«Бўйи бирла сочини тенг яратти» — туркий шеъриятда Хоразмийнинг соҳир қалами қўшган топилма. Навоий эса адабиёт, хусусан, туркий шеъриятдаги «йилт» этган бирор нимарсани ҳам имкон қадар кўздан қочирмагани аниқ. Ахир, Шарқда шоирлар биргина ғўзал ифода учун ҳам улкан олқиш олган, катта шуҳрат топган-да. Кейин ўша бадиий топилдиқ шу шеъриятнинг мулкига айланган, бошқа шоирлар ундан фойдаланган. Фақат унга нимадир янгилик қўшибгина ишлатиш шарт бўлган.

Навоий ғазалларидан биридаги мана бу байтда тун-кун тенглиги бўй билан сочнинг баробарлигига қиёс қилинади:

Васл аро кўрдум,
тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан,
зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Бу ерда Хоразмий байтидаги ғўзал ташбиҳдан ижодий фойдаланилгани кўриниб турибди. Демак, Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»даги байтни шу асарнинг ўзидан олган бўлиши керак, дейишга асос бор.

Бундан ҳам муҳим далиллар мавжуд.

Навоий «Фарҳод ва Ширин»ининг хоқон ўғли — Фарҳод учун йилнинг тўрт фаслига мослаб қурдирган қасрлар таърифига бағишланган 17-боби шундай бошланади:

Ҳамал таҳвили этгач
меҳр гулчеҳр,
Очар юз гул замона
кўргач ул меҳр.

Қилур машшотайи сунъ
ошкоро,
Аруси даҳрнинг ҳуснига оро.

Қилур тун бирла зулфу
кун била энг,

Этар лекин
бўйи бирла сочин тенг.

Мазмуни: «Гул юзли Қуёш ҳамал буржига кирганда замона у Қуёшни кўргач, юз гул очади(*ҳам «юзи гулдай очилади», ҳам «юзта гул очилади»* — **С.О.**), яратиш пардозчиси эса замона келини ҳуснига оро беради, тундан соч, кундан чехра ясайди, лекин сочи билан бўйини тенг қиладди, яъни бахор бошланиб, гуллар очилади, замона ғўзаллашади, кечакундуз баробар бўлади»(Порсо Шамсиев баёни).

Демак, Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да келтирилган байтни «Муҳаббатнома»дан олгангина эмас, «Фарҳод ва Ширин»да ундан бевосита таъсирланиб қалам сурган. Лекин энди мазмун ўзга муайянлик ва тасвир ўзга ғўзаллик касб этган. Навоий айнан Наврўзни — кеча билан кундузнинг баб-баробар келадиган пайтини кўзда тутган. Унда Наврўз «аруси даҳр», яъни «дунё келинчаги» деб таърифланади. Илк баҳор билан келинчак ўртасида ажиб бир уйғунлик бор.

Наврўз — фақат йилнинг эмас, баҳорнинг ҳам бошланиши. Бизда баҳор фаслининг бошланиши 1 мартдан эмас, 21 мартдан ҳисоб қилинган. Хоразмийда дунёда кеча ва кундузнинг умумий тенглиги айтилган эди. Лекин бу Худонинг Ерда ҳаёт пайдо қилиши ҳақидаги байтлар сирасида келганлигидан унда Наврўзга ҳам рамзий ишора йўқ эмас. Чунки ўша байтдан кейин ўқиймиз:

Қаро тупроқдин сунбул
тўратти,
Тиканлар орасинда гул
тўратти.

Қора тупроқдан сунбул униб чиқиши, тиканлар орасида гул пайдо бўлиши ҳам баҳордан дарак. Энди Навоийнинг ўша байтдан кейинги қўшмисрасига қулоқ тутайлик:

Рутубат еткуруб
ҳар сори ёғин,
Тар айлаб қатрадин
гуллар димоғин.

Демак, ёмғир ёғиши билан гуллар димоғи ҳўл бўлади. Байтдаги «қатра» тимсолининг ҳам «Муҳаббатнома»га ворисийлиги бор. Чунки Хоразмийнинг ўша байтдан олдинги қўшмисрасида «қатра» тилга олинган эди:

Ҳаво узра берур
шунқорға қуни,
Тўлун ойдек қилур
бир қатра су(в)ни.

Хуллас, «Фарҳод ва Ширин»нинг 17-боби бошланмаси бевосита «Муҳаббатнома» бошланмаси таъсирида — ундан тарҳ олиб битилган. Бундан Навоий «Фарҳод ва Ширин»и, гарчи шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, аслида, «ҳинд соҳири» — Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав»ига жавоба тарзида ёзилган бўлса ҳам, унда бевосита туркий, яъни ўзбек адабиётига воросийлик аломати ҳам кучли, деган хулоса келиб чиқади. Навоий бу достонни яратишда унинг вазни — ҳазажи мусаддаси мақсур(ё маҳзуф)да битилган маснавийларни ичига ўрганган. «Муҳаббатнома»нинг ҳам айнан ана шу вазнда экани юқорида кўриб ўтилган таъсир учун жуда қўл келади.

Алишер Навоий «Ҳамса»си — наинки туркий, нафақат форсий, умуман, Шарқ шеърияти майдонидаги мўъжиз бир чўққи. Бундай чўққилар жаҳон сўз санъати саҳнасида ҳам жуда оз. «Ҳамса»да ана шу эгизак адабиёт — форсий ва туркий сўз санъатининг жамъики хислатлари ажиб тарзда уйғунлаштирилган. Шу тарқа шоир даҳосининг кучу қудрати билан адабиёт янги бир юксак поғонага кўтарилган. Гарчи, Навоий ижодининг форсий адабиёт билан алоқадорлиги жиҳатлари у ё бу тарзда ўрганилган бўлса-да, унинг бевосита туркий адабиёт билан боғлаб турган илдизларини тадқиқ этиш очилмаган кўрик янглиғ турибди.

Тун билан кун тенглиги ҳақидаги биргина байтнинг Хоразмий қўшмисрасига вобасталиги ана шундай хулосалар беради.

Зотан, ҳазрат Навоий ижодининг зарраларида қуёшлар акс этгани учун унинг майда-майда чизгилари замирида ҳам катта-катта масалалар ётибди.

Носируддин Бурҳонуддин РАБҒУЗИЙ

БАҲОРИЁТ

Кун Ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори бузи,

Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Тонг отарди эснаюр тўрт булунгдин шамол, зиё,
Кин тузар киндик йипор йизланур ёбон ёзи.

Ёрлиги епгун — боғирдин обуғи ёшил, қизил,
Ораси буток, ябуғроқ, тол чечаклар туб тузи.

Ўрласа булутлари гулчирар боғу бўстон,
Тол йиғочлар енг солишур ўйнаюртек қўй-қўзи.

Киршани қор қани энглик боқса тоғлар сурати,
Тўнлиқи тангсуқ йипордин Рум-хитой атлас, чузи.

Лола сағроқин ичарда сайрар усруб сандувоч,
Турна ун тортиб ўтарда сакрашур бақлан кўзи.

Кўкда ўйнаб гул солишур кўк қоз қил қарғулоч,
Ерда югруб жуфт олишур ёс, тийинг, киш, кундузи.

Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри, булбул муқри бўлуб ун тузар тун кундузи.

Яғиз ер, кўк менгизлик яшнаюр майдон бўлуб,
Оғрушим ойтак чечаклар теграсинда юлдузи.

Хуру ин ужмоқ ичинда енг солиб таҳсин қилур,
Ёз уза мундоғ ғазаллар аймишда Носир Рабғузий.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

ҒАЗАЛ

Баҳор айёмидур, доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Гаҳи сахро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чехрасидин арғувонидур.

Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранги гуллардин,
Магарким сунъининг наққошиға ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда [illegible]санг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибиғга тараҳҳум айлагилким, анда жонидур.

Amaliy mashg‘ulotlarda

(Bolalar musiqa sadolari ostida kirib keladi va zalda erkin joylashadi).

1-bola: Salom, bahor,
Salom yangi kun!
Tabiat ham uyg‘ondi bugun!
2-bola: — Hamal keldi —
Amal keldi.
Mehnat qilar elda qari, yosh.
3-bola: — Salom bahor,
Salom, Navro‘z!
Nurlaringni sochgin ey, quyosh!

(K. Kenjaev musiqasi bilan “Quyoshli o‘lka” qo‘shig‘i eshittiriladi.)

(5-6 bola ona tabiat va bahor mavzusida she‘r aytadi).

(Musiqa sadolari ostida gullar qadalgan yashil ko‘ylakli Bahoroy, quyon, ayiq, tulki va boshqa hayvonlar kiyimini kiygan bolalar hamda Mart,

Qish: — (g‘azab bilan kirib keladi). Kim bu yerda xo‘jayinlik qilmoqchi? Qorlarimni eritib, bahorni qarshi olmoqchimisizlar? Men — sovuq qish, hali ketganim yo‘q va yil bo‘yi shu yerda qolmoqchiman. Hozir qor yog‘diraman. (joyida gir aylanadi va tashqaridan qor parchalari yugurib kiradilar).

Qish va qorparchalar raqsi.

Bahoroy: — Bo‘ldi, yetar, qish! Endi sening ketadigan vaqting bo‘ldi. Ketaqol.

Qish: — Ho, bekorlarni aytibsan. Hech qachon! (oyoqlarini to‘pillatadi).

Bahoroy: — Bolalar, endi nima qilamiz?

1-bola: — Do‘stlar, hammamiz bir bo‘lib, qish bilan kurashamiz. To‘g‘rimi?

Hamma: — Ha!

Qish: — Hammangiz bitta menga qarshimisiz?

SALOM BAHOR, SALOM YANGI KUN!

(MTMlarning katta va tayyorlov guruhlari uchun bayram senariysi)

Aprel, May oylari qiyofalarida kirib keladilar).

“Keldi yana Bahoroy” qo‘shig‘i ijro etiladi.

Bahoroy: — Assalomu alaykum, qadrli bolalar va hurmatli mehmonlar! Men Bahoroyman. — Qaerga qadam qo‘ysam, o‘sha joyda qorlar erib, ariqlarda suvlar oqa boshlaydi, dala bog‘lar yashil ko‘ylak kiyib, go‘zallikka burkanadi!

Quyon: — Bahor kelib, biz quyonchalarni uyqudan uyg‘otdi.

Tulki: — Biz tulkilar ham qishki uyqudan uyg‘ondik.

Ayiq: — Biz ayiqlar tezroq gullar ochilishini kutyapmiz. Chunki ulardan olingan asalni juda yaxshi ko‘ramiz.

Bahoroy: — (Mart, Aprel, May oylariga qarata) Dugonalar, bormisiz, omonmisiz! O‘zingiz haqingizda bolalarga so‘zlab bering?!

Mart: — (yomg‘ir tomchilari, boychechak va binafshalar qadalgan yashil ko‘ylak kiygan) Men mart — bahorning birinchi oyiman. Hali yerlarda qor bo‘lsa ham, men kelgach, kunlar ancha ilib boradi. Qorlar erib, ariqlarda sharqirab suvlar oqa boshlaydi. (Qo‘ng‘iroqchani jaranglatadi) Eshityapsizmi, suvning sharqirashini?

Aprel: — (lola, binafsha, lolaqizg‘aldoq va boshqa gullar qadalgan yashil ko‘ylakda) Men Aprel — bahorning ikkinchi oyiman. Men kunlarni ancha uzaytirib, havoni isitaman. Mevali daraxtlar gullab, changlanishga kirishadi. Hidlab ko‘ring? (metallofonda glissando ijro etadi).

May: — (quyosh nurlari aks etgan yashil libosda, qo‘lida o‘yinchoq bulbul bilan) Men may — bahorning uchinchi oyi. Men bog‘larni yam-yashil tusga kiritaman, havo haroratini oshiraman. Bog‘da bulbullar sayraydi. Mana, eshitib ko‘ring. (surnaychada kuy taraladi).

Endi kerak bo‘lmay qoldimmi? Qishda mening qorlarimdan sirpanchiqlar yasab, mazza qilib uchdinglar. Chanalar tortib, qorbo‘ron va boshqa qish o‘yinlarini o‘ynadinglar. Archa atrofida qorbobo va qorqiz bilan bayram qildinglar, Yangi yilni kutdinglar. Endi esa haydab chiqarmoqchimisizlar? Nahotki?..

Bahoroy: — Biz seni haydamoqchimasmiz. Musobaqaga chaqirmoqchimiz, qishjon!

Qish: — Musobaqa bo‘lsa, men roziman. Topishmoqdan boshlaymiz: men aytaman, sizlar topasiz!

1. Qo‘li yo‘q, lekin qulog‘ing va burningni chimchilaydi. (izg‘irin).

2. O‘zi oppoq par gilam. Qish bo‘yi yerda yotadi. Bahorda qochib ketadi. (Qor).

Bahoroy: — Endi sen bizning topishmoqlarimizni topib ko‘r-chi.

1. Ko‘kda yonadi,
O‘qini otadi. (Chaqmoq).

2 bola: — Bahor kelsa uchib kelar,
Uy shiftiga in qurar. (Qaldirg‘och).
(Qish topishmoqlarni topa olmaydi).

Qish: — Kelinglar, undan ko‘ra milliy o‘yinlaridan o‘ynaymiz.

Bolalarning yarmi qish bilan, qolgan yarmi Bahoroy bilan birga arqon tortishadi. Bahoroy guruhi arqonni tortib oladilar ya‘ni g‘olib chiqadi.

Qish: — Mayli, mayli, tan olaman. Sizlar kuchliroq ekansiz. Lekin hali Navro‘z kelmadi-ku, demak men ham bir qancha vaqt hukmronlik qilsam bo‘ladi. Ota-bobolarimiz taqvimlariga ko‘ra, Navro‘z kelgunicha qishning sovuqlari — Ayamajuz, Ut, Yut, Ahmon, Dahmonlar o‘tishi kerak.

Boshlovchi: — Unday bo‘lsa tezroq Navro‘zni chaqira qolaylik! Bolalar, kelinglar, hammamiz birgalikda Navro‘zni chaqiramiz.

1-bola: — Navro‘z, Navro‘z kel, Navro‘z!
2-bola: — Yerga urug‘ qadab kel!
3-bola: — Mo‘l hosilni olib kel!
4-bola: — O‘ynagani kel, kuylagani kel!
5-bola: — Kel, ho kel!

(Karnay-surnay sadolari ostida qo‘lida undirilgan bug‘doy bilan Navro‘z (o‘g‘il bola) kirib keladi).

1-bola: — Salom, Navro‘z, gul Navro‘z, Gulday kulib kel, Navro‘z!

Navro‘z: — Qir-adirlardan, dala va bog‘lardan oshib, siz tomon shoshib keldim.

2-bola: — Bizga nima keltirding?

Navro‘z: — Yangi yilda uy-joyingizga, mol-holingizga va eng asosiysi, tanu joningizga sog‘lik salomatlik olib keldim. Hosilingizga qutbaraka keltirdim.

Bahoroy: — Mana endi ketmasang bo‘lmaydi, qishjon! Bizdan o‘pkalama, rozi bo‘l!

Bolalar: — Senga xayr aytamiz,
Yana seni kutamiz.

(Qish bolalar bilan xayrlashib, chiqib ketadi. Zalga musiqa sadosi ostida qaldirg‘och kiyimidagi bola qanotlarini qoqib, oyoq uchida yugurib kirib kelib, zalni aylanib o‘tadi va o‘rtada to‘xtaydi).

Bahoroy: — Xush kelibsan, qaldirg‘och! Qaerlardan kelding?

Qaldirg‘och: — Dengiz ortidan Bahorni qidirib keldim.

Davra qo‘shig‘i “Qaldirg‘och” ijro etiladi. (xalq kuyi va so‘zi).

1. Qaldirg‘och qanot qoqdi, bolalar (qo‘llarini ikki yonga uzatib, silkitadilar).
Uyimiz unga yoqdi.
Uy shiftiga qo‘nvolib, (qo‘llarini boshlari ustida ko‘taradilar)
Har tomonga u boqdi. (o‘ng qo‘l kaftini yonlamasiga peshonalariga tekkizib qaraydilar).

Naqorat:
Keldi qaldirg‘och, g‘och, (o‘rtaga keladilar).
Eshigingni och, och! (katta doiraga qaytadilar).
(kuyning shu qismiga bolalar oyoq uchida doira bo‘ylab yuguradilar).

2. Qaldirg‘och qanot qoqsin, (qo‘llarini ikki yonga uzatib, silkitadilar)
Uy quribi bola ochsin. (Qo‘llari ikki yonda aylanadilar)
Tizilib bolalari, (tizzalarini yarim bukib, ikki yonga o‘tirib-turadilar)
Uychasidan qarasin. (O‘ng qo‘l kaftini yonlamasiga peshonalariga tekkizib qaraydilar).

Naqorat:
Keldi qaldirg‘och, g‘och,
Eshigingni och, och!
(Oyoq uchida doira bo‘ylab yugurib ketadilar va joylariga o‘tiradilar).

Boshlovchi: — Navro‘zni ham kutib oldik. Qani aytinglar-chi, xalqimiz Navro‘z bayramini qanday nishonlaydi?

Bolalar:
— Lola sayliga chiqadilar.
— Xalq o‘yinlarini o‘ynaydilar.
— Kurash, uloq, ko‘pkari musobaqalarini uyushtiradilar.
— Xo‘roz, qo‘chqor urishtiradilar.
— Sumalak va halim kabi bahor taomlarini pishiradilar.

Boshlovchi: — Barakalla! Bizning xo‘rozchalarimiz ham musobaqaga tayyor turishibdi. Qani, tomosha qilaylik-chi!

(Bolalar davra qurib, yerga erkin o‘tirib oladilar. O‘g‘il bolalar raqs tushadilar).

Xo‘rozlar raqsi.
(Musiqa rahbari boshchiligida harakat)

Boshlovchi: — Endi xalq o‘yinlaridan “Boylandi” o‘yinini o‘ynaymiz.

Shu tarzda turli xalq o‘yinlari namoyish etiladi.

(Raqs so‘ngida Bahoroy bilan Navro‘zbek bahor taomlarini olib kiradilar. Yig‘ilganlar bir-birlarini bayram bilan tabriklab, bahor taomlaridan tatib ko‘rish uchun chiqib ketadilar).

Z.RAHMONQULOVA,
D.TOSHMUHAMMEDOVA,
MMXQTMORO‘MM uslubchilari.

Шу кунларда барча таълим муассасаларида улуғ айём нафаси уфуриб турибди. Бектемир туманидаги 575-боғча-мактаб мажмуасида ҳам Наврўз байрами тадбири бўлиб ўтди. У масканнинг бошланғич синф ўқувчилари томонидан ташкил этилди. Дастлаб “Ассалом, Наврўз” расмлар кўргазмаси билан бошланган тадбир 1-синф ўқувчи қизлари иштирокидаги “Жажжи баҳорой” танлови билан давом этди. Танловда қизалоқлар 5та шарт бўйича беллашдилар. Кўклам салатлари тайёрлаш шартида иштирокчиларга онажонлари кўмаклашиб турдилар. Бошланғич синф ўқитувчиси Ароҳат Кенжаева бошчилигида ташкиллаштирилган ушбу танловда қизлар ифодали шеър ўқиш, савол-жавоб каби шартларда ҳам фаол иштирок этдилар. Наврўз ҳақидаги куй-қўшиқ ва рақсга уланиб кетган тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ДЕҲҚОН БАЙРАМИ

«Фавойид ул-кибар»нинг 420-газали иккинчи байтида ўқиймиз: ***«Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон, Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам».***

Бу ғазалда Навоий ажиб бир маҳорат-ла Наврўз билан бақамти ёр тимсолини чиза боради. Бу байтда шоир: «Менинг сарвим(яъни ёрим) жавлон урганда, чаман сарви(яъни Наврўз) ҳам ҳайрон қолди, Наврўзга фақат деҳқонлар шайдо бўлган бўлса, бунга(яъни ёримга) бутун олам ошуфта», — дейди. Ғазал давомида табиатдаги Наврўз билан боғлиқ ўзгаришларга мутаносиб равишда ёр тимсоли ҳам тасвирлана боради. Ғазалда Наврўзнинг деҳқонлар ишини жонлантириб юбориши ҳам инобатга олинган.

Ҳа, Наврўз — аввало, деҳқон байрами. Биз — ўзбеклар эса, асосан, деҳқон халкмиз. Ҳаддан ташқари ўтроқлигимиз, ҳатто, қишлоқнинг ўртароғидан четроғига кўчиб ўтишни ҳам қариб мусофирлик ҳисоблашимиз, хуллас, юртга айрича муҳаббатимиз ҳам ана шу табиатга, саховатли еримизга меҳримиздан. Деярли барча Шарқ халқларида Янги йил айни ана шу ўзгаришлар фасли — баҳордан бошланиши ҳам ота-бобомизнинг табиатга биздан кўра яқинроқ бўлганидан далолат. Лекин Шарқ халқларининг ҳаммасида Янги йил баҳорга нишонлангани билан, кунларида фарқ бисёр.

Халқимиз кишиларнинг туғилган кунида ёхуд ёш тўйида: «Фалон баҳорингиз муборак бўлсин!» дейди. Демак, ёш тушунчаси ҳам Шарқда бевосита йил боши — қўклам билан боғлаб айтилади. «Неча ёшдасиз?» деб сўраш, афтидан, бизда кейинчалик — европаликлар таъсирида пайдо бўлган кўринади. Аслида, халқ: «Неччи ёшга кирдингиз?» деб сўрайди. Масалан, биров: «Элликка кирдим», деса, у одам европача ҳисоб билан қирқ тўққиз ёшда, яъни қирқ тўққизни тўлдирган бўлади. Шарқликларнинг ёшини ифодалаш гарбликларнинг ёшини ифодалашидан фарқ қилиши ҳақида қадим туркий халқларда ёшни ифодалаш масаласини тадқиқ этган француз туркшуноси Люис Базен шундай ёзади: «Туркий тилда ифодаланган ёшни таржима қилишда Гарб халқлари умумий бир хатога йўл қўйди. Улар европача ёш(яъни туғалланган йил маъносида) тушунчасини ҳосил қилиш учун туркийда ифодаланган ёшдан бир йилни олиб ташлаш кераклигини унутди».

Люис Базеннинг «Қадим туркий халқларда ёш концепцияси» деган муҳим тадқиқотида ёзилишича, қадим туркийлар йилнинг янгиланганини илк баҳорда ўсиб чиқан ўт-майсаларга қараб аниқлаган. «Ёш» сўзи «намлик», «кўз ёши», «янги ўниб чиққан кўклик»ни билдирган. Қадим турклар кунни Қуёшга нисбат қилиб «кун», ойни Ойга нисбат қилиб «ой» деганлари каби, йилни эрта баҳорда яшил майсаларнинг ўниб чиқишига нисбат бериб «ёш» деган. Демак, «ёш» тушунчаси ҳам ўша «майса» тушунчасидан келиб чиққан.

Шундай қилиб, бугун ҳам ишлатадиганимиз — «Элликка кирдим» ифодаси: «Эллигинчи бор янги майса унганини кўраяпман», яъни, бошқача айтганда: «Эллигинчи баҳорни қарши олаяпман», — дегани. Лекин қадим турклар янги йилни баҳорнинг муайян бир кунидан ҳисоблаганлар: ҳар йили кўкламиннинг қайси пайтга тўғри келишига қаралган. Кўклам эса, табиийки, баъзан эртароқ, баъзан эса, кечроқ келади.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, бир этимологик тахминни ўртага ташлаш мумкин. Балки «яшил» сўзи ҳам «ёш» ва «йил» сўзларидан келиб чиққандир? Баҳорда майсалар ўниб чиқади, ёш йил бошланади. Шундан майсалар рангини халқ «ёшйил», яъни «яшил» деган бўлса, бордир. Ахир, «-ил» билан тугайдиган ранг англатувчи «қизил» деган сўз ҳам борку, деган фикр кечиши мумкин хаёлингиздан. Ана шу эҳтимолимиз рост бўлса, «қизил» сўзи «қиз» ва «йил» сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган кўринади. Йил ёз бўлганда, ҳаво қизийди. Ўт-ўланлар қовжираб, яшиллиқдан қизиллик сари ўзгаради. Қизиш билан қизиллик ўртасида ҳам вобасталик бор. Бизда деҳқончилик ҳам бевосита Ер ва қоинотнинг асрий қонуниятларига жуда мувофиқ равишда тараққий этган. Буни профессор Алибек Рустамнинг «Сўз хусусида сўз»(1987) рисоласида яхши таҳлил этилган ўзбек деҳқонлари кўп ишлатадиган айрим ибора ва қарашларнинг бевосита фаслий ойлар билан боғлиқлигидан ҳам билса бўлади.

Ҳут — аждодларимиз амал қилган шамсий йилнинг сўнгги ойи. У деҳқон тараддудга тушиб қоладиган 20 февралдан бошланади. Шунинг учун: «Ҳут кирди — деҳқоннинг ичига қурт кирди», — дейилади.

Ҳамал — йилнинг биринчи ойи. У Наврўздан бошланади. «Ҳамал кирди — амал кирди», — дейди халқ.

Кекса деҳқонлар кечки экинларни, масалан, бодринг, қовун, картошка, сабзи, шолғом ва бошқаларни фақат саратоннинг ичида экиш керак, экин, ҳеч бўлмаса, бир бор иссиқ сув — саратон сувига қониб қолиши керак, деб ҳисоблайди. Саратон 22 июндан бошланади.

«Асс[illegible] экинингни яса» (асад 23 июлдан бошланади), «Сунбулада сув тинади»(сунбула 23 августдан бошланади), «Сабзи ва турп қавс сувини ичиши керак»(қавс 22 ноябрдан бошланади) кабилар ҳам шулар жумласидан.

Maktabda yaratilgan bekamu ko'st sharoitni ko'rib, biz faxriy pedagoglarning boshimiz osmonga yetadi. Yosh hamkasblarimizga havas qilamizki, ular orasta, shinam va zamonaviy sinfxonalarda dars berishadi. Biz ishlagan davrlar tarixga aylandi...

ЭЗГУЛИК МАКТАБДАН БОШЛАНАР

Shukuh

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мактаб раҳбари Бекпўлат Асатов ҳаммадан аввал келди. Бугун мактабда уюштириладиган Наврўз байрамига фахрий ўқитувчилар ҳам таклиф қилинган. Ана шу даргоҳда умрининг асосий қисмини ўтказган ўқитувчиларни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиш лозим. Ўрозмат қишлоғида истиқомат қилувчи 200та хонадоннинг ҳар бир фарзанди ана шу муаллимлар сабоғини олган.

Мактабнинг мўъжазгина мажлислар залида мусиқа садоси янграйди. Концерт дастури тайёрлаган ўқувчилар миллий либосда. Ёшлар етакчиси Мухтасархон байрам тадбирини мазмунли ўтказиш учун бир неча кундан бери югуради. Юқори синф ўқувчиларининг беллашувини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Улар Шарқ мамлакатларида азал-азалдан нишонланадиган Наврўз байрами тариҳи, у билан боғлиқ анъаналарни ана шу тадбирда намойиш этишмоқчи.

Залга йиғилган мактаб ўқувчилари, ўқитувчиларнинг юзларида табассум. Ана, таклиф қилинган меҳмонлар ҳам бирин-кетин кириб келмоқда. Бошланғич синф ўқитувчилари Зайтуна Шакарова, Раҳмиддин Дўсмонов ўз ўқувчиларини тадбирнинг бадиий қисмига тайёрлашган. Халқ ўйинлари ва қўшиқларини саҳнада намойиш этишга ошиқаётган ўқувчилар меҳмонларни қўллари кўксида кутиб олдилар:

— Хуш келибсиз, азиз устозлар, Наврўз айёми барчангизга муборак бўлсин!

Олд қатордаги стулларга жойлашган фахрий ўқитувчилар баҳорнинг ташрифини димоғлари чоғ бўлиб кутаётган ўғил-қизларни кузатиб, мамнун бўлдилар. Улар шу даргоҳда ишлаган кезларда Наврўз қишлоқ аҳли учун ўнғай бўлган қирликда нишонланарди. Шолча атрофига кўрпачалар тўшалар, катта дастурхонга ош, гўжа, сомса, ғилминди, патир, чучвара, қовурма, шовла каби турли-туман таомлар қўйилар, ёши улуғ отахон ва онахонлар ана шундай муборак кунга етказганлиги учун шукрона қилишарди. Ўқитувчилар ҳам ана шу тадбирда иштирок этишар, дастурхонга топган-тутганларини келтиришарди. Буни қарангки, бугунги кунда Наврўз байрамини мактабда ҳам нишонлаш анъанавий тусга кирган. Боқий анъанани ўсиб келаётган авлод онгига, шуурига сингдиришда мактаб педагогик жамоаси уюштирадиган ҳар қандай тадбирнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

— Азиз ўғил-қизларим, фидойи ва меҳри дарё ҳамкасбларим! 2010 йил — «Баркамол авлод йили»нинг баҳори барчангизга муборак бўлсин. 2008 йилда капитал реконструкция қилиниб, янги мебель ва ўқув жиҳозлари келтирилган янги мактабингизда Наврўз байрами иккинчи бор нишонланмоқда. Мактабда яратилган бекаму кўст шароитни кўриб, биз фахрий педагогларнинг бошимиз осмонга етади. Ёш ҳамкасбларимизга ҳавас қиламизки, улар ораста, шинам ва замонавий синфхоналарда дарс беришади. Биз ишлаган даврлар тарихга айланди...

Кекса ўқитувчи Маъмур Ўсаров яна кўп сўзламоқчи эди, аммо байрамга йиғилганларни зериктириб қўйишни истамади. Гапнинг индаллоси, янгиланган мактабни кўриб, устознинг баҳри-дили очилиб кетди.

Бундай таълим масканида бўлиб ўтадиган тадбирларнинг ҳам гашти ўзгача. Қаранг, жамалак сочлари устидан дўппини қўндирган қизалоқларнинг рақси кишини завқлантиради. Бир ўқувчи Баҳорой, иккинчиси Деҳқон бобо, образга киришишлари ҳам ажабтовур. 9-синф ўқувчилари бири қўйиб, бири гапиришади, Наврўз байрамига таъриф-тавсиф келтиришади. Унинг нишонланиши билан боғлиқ удумлар бўйича баҳс бойлашишади. «Ёшликнинг тароватига, фусункорлигига тенг келадиган нарсанинг ўзи йўқ», дея кўнглидан ўтказди меҳмон ва ёнида ўтирган сафдошларига разм солди. Улар ҳам куй-қўшиқлардан масрур ўтиришарди.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани марказидан 20 км. узоқликда жойлашган Ўрозмат қишлоғида Наврўз байрами 42-умумий ўрта таълим мактаби саҳнасидан бошланади. Албатта, куй-қўшиқ, айтишув ва лапарларни отабоболаридан, момоларидан ўрганаётган ўқувчилар ўз ижроларини байрам баҳонасида яна уларнинг «чиғириғи»дан ўтказиб олади. Ўқувчилар ўз уйларида тайёрлаб келган таомларига ана шу тадбирда баҳо олиб кетишади. Энг муҳими, Наврўз тантаналаридан мактабнинг бирорта ўқувчиси четда қолмайди. Ўша куни наҳорда сузилган сумалак барчага улашилади.

— Наврўз — катта-кичиккинг, ёшу қарининг кўнглида орзу уйғотадиган байрам. Тоғ ён-бағридаги қишлоқ бўлганлиги учун табиатнинг уйғониши бизда бир дунё ҳаяжон билан қарши олинади. Бир ҳафта муқаддам уюштирилган ҳашардан сўнг мактабимизда Наврўзни нишонлаш ҳар бир иштирокчига аъло кайфият бағишлади, — дейди мактаб раҳбари Бекпўлат Асатов.

Дарҳақиқат, асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтаётган бу боқий байрамнинг чекка бир мактабда нишонланишини эзгуликка қиёслашга тўла маънода ҳақлимиз. Зеро, ана шу қишлоқда туғилиб, келажак сари интилаётган фарзандларимиз қалбида боқий байрамга меҳр-муҳаббат уйғотиш, унинг анъаналарини ўзлаштириб олишларига имконият яратиш шу эзгуликка қадамдир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

«КИМ ОЛАДИ-Ё, ШУГИНАНИ-Ё...» ЗАРЧОПОН, ДЎППИДА ЙИГИТЛАР ДАВРА ҚУРИБ САҲНАГА КИРИБ КЕЛИШАДИ.

Пойтахтимиздаги 307-мактабда байрам шодиёнаси ана шундай лапар ва қўшиқлар билан бошланди. Мусиқа садолари остида Наврўзой бир қўлида буғдой майсаси, бир қўлида сумалак кўтариб байрамга кириб келди. Мактаб ҳовлисидаги кўркамлик, ободлик байрам шукуҳига янада шукуҳ қўшгандек.

— Ҳар гал Наврўз байрами олдидан ҳашар уюштириб мактабимиз ҳовлисини тозалаймиз. Манзарали дарахт кўчатлари, атиргул қаламчаларидан экиб боғ ташкил қиламиз, — дейди бу ҳақда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилдора Турғунова.

Ҳа, 6, 7, 8-синф ўқувчилари томонидан яратилган «Ёшлар боғи», 9-синф битирувчиларининг «Бунёдкор боғи»ни кузатар экансиз, мактабдаги ободончилик ишларига ҳавасингиз келади. Мактабда яна бир яхши анъана йўлга қўйилган. Ҳар байрамда ўқувчилар мактабнинг фахрий ўқитувчилари ҳамда яқин атрофдаги маҳалла беморлари ҳолидан хабар олиб табриклаб келишар экан.

Шундай қилиб, байрам дастури 1-синф ўқувчиларининг «Гул» рақсига уланиб кетди.

МУХБИРИМИЗ

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚ ВА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЎЙИН МАТЕРИАЛЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН "ЎЙИНЧОҒИМ — ОВУНЧОҒИМ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ 28-МТМДА БЎЛИБ ЎТДИ.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу танловда 8та тумандан келган мактабгача таълим муассасалари ходимлари иштирок этди. Улар миллий элементлар бойитилган халқ ўйинлари жиҳозларини намойиш этишди.

Сифатли, мазмундор, педагогик-психологик ва услубий жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган истиқболли ўйинчоқ, дидактик материал ҳамда ўйин материалларини тайёрлаб келган Қумқўрғон туманидаги 2-МТМ жамоаси 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Мазкур жамоа «Мактабгача таълим муассасаларида миллий ўйинларнинг ривожлантирувчи функциялари» дастурини синовдан ўтказиб, катта тажрибага эга бўлганликларини яна бир карра исботлади.

Бундан ташқари, Шўрчи туманидаги 2-, Деновдаги 12-, Термиз шаҳридаги 28-, Қизириқ туманидаги 6-МТМ жамоалари ҳам «Ўйинчоғим — овунчоғим» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этди.

Ғолиб ва фаол иштирок этган жамоалар ТХТБнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Норқувват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ 52-СОНЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЁРДАМЧИ МАКТАБДА "АССАЛОМ, НАВРЎЗ!" ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИГА ШОДИЁНА КАЙФИЯТ УЛАШИБ КИРИБ КЕЛАЁТГАН БАҲОР УШБУ МАКТАБНИНГ ФАОЛЛАР ЗАЛИ САҲНАСИГА ГЎЗАЛ БИР ҚИЗ СИЙМОСИДА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Ўқувчилар байрамона ашула ва рақслар, баҳор мавсумига мос халқ ўйинлари ва бадиий гимнастика ўйинларини кўтаринки кайфиятда ижро этдилар. Шундан сўнг тадбир қатнашчилари ҳам ўқувчиларни байрам билан қутлаб, эзгу тилакларини изҳор қилишди.

Имконияти чекланган ўқувчилар ижодидан кулолчилик, дурадгорлик, чеварликнинг гўзал намуналари билан безатилган кўргазма ҳам ташриф буюрган меҳмонларни ҳайратга солди.

— Наврўз байрамини ўтказиш учун жамоамиз билан биргаликда кўпдан бери тайёргарлик кўриб келамиз. Кўнгли ярим болалар билан ишлаш биз педагоглардан алоҳида машаққатли меҳнат, масъулият талаб қилади. Мактабимизда жами 145 нафар ўқувчи таълим олади. Улар ўқув қуроллари, дарсликлар ва ҳар куни иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан ажратилган "ISUZU" маркали микроавтобусда ўқувчилар учун экскурсиялар ташкил қилинади. Бизнинг олий мақсадимиз имконияти чекланган болаларимизнинг жамиятга аралашувини ташкил қилишдан иборатдир, — дейди мактаб директори Раъно Ҳамралиева.

Тадбир ниҳоясида мактабга кўп йиллардан буён ҳомийлик қилиб, ҳадялар, кийим-кечаклар улашиб келаётган хусусий тадбиркор Хайрулла Музаффаров томонидан дастурхон ёзилиб, ўқувчиларга ош тортилди.

Ғолиб БАҲРОМОВ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 206-БОҒЧА-МАКТАБ МАЖМУАСИДА ТУМАНДАГИ МТМЛАР ТАРБИЯЧИЛАРИ ВА МЕТОДИСТЛАР ИШТИРОКИДА ОЧИҚ МАШҒУЛОТЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир аввалида иштирокчилар таълим муассасаси тарбиячиси Нодира Абдуҳакимованинг катта гуруҳ тарбияланувчилари билан олиб борган баҳор фаслига бағишланган очиқ машғулотини кузатдилар. Машғулот ўзбек ва рус тилларида ўтказилди. Шундан сўнг тарбиячилар ва методистлар томонидан машғулот муҳокама қилинди ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилганлиги эътироф этилди.

— Фестивалдан асосий мақсад, мактабгача таълим муассасаларида замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича тўпланган тажрибаларни ҳамкасблар билан ўртоқлашишдан иборат, — дейди боғчамактаб мажмуаси учлубчиси А.Раупова.

Суратларда: Очиқ машғулотлар фестивалидан лавҳалар акс этган.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Меҳмондўст, бағрикенг, меҳнаткаш ва бунёдкор Ўзбекистон халқини Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этади! Барчага тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам соғлик, узоқ умр, бахт-саодат тилайди.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

жамоаси азиз юртдошларимизни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча ҳамкасбларни баҳор ва уйғониш айёми — Наврўз умумхалқ байрами билан қутлайди! Сиз азизларга узоқ умр, бахт-саодат, Наврўз қадар беғубор гўзаллик тилаймиз!

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ulardan biri biz hikoya qilayotgan "Bulut" bo'lib, uning mohiyati taxminan shunday: uchta shaffof minora va ularga bog'langan tartibsiz harakatdagi katta-kichik pufaklar, tomosha maydoni, parvozdagi mini-park va uzoq-uzoqlardan ko'zga tashlanib turadigan megaekran.

Ma'rifat
2010-yil 20-mart

Bilasizmi?

"БУЛУТ"-МИНОРАЛАР ОЛИМПИАДА КЎРКИГА АЙЛАНАДИМИ?

2012 йилги Олимпиада ўйинларининг асосий стадионида ҳар хил катталикдаги пуфаклар парвоз қилади. Бу бир қарашда оддий манзарадек туюлиши мумкин. Аммо шошилмаган маъқул. Сабаби, лойиҳага кўра, рақамли пуфаклар номини олган булутлар замонавий томоша майдони билан биргаликда қад ростласа, кўпчиликни ҳайратлантириши, шубҳасиз. Улкан шарлар ўз ичида бир неча нафар кишини саёҳатга олиб чиқишини инобатга олсак, янгиликка оламшумул мақоми берилиши ҳам мумкин.

«Булут» (The Cloud). Массачусетс технология институти (МТИ)нинг машҳур лабораторияларидан бири "Сенсибл Сити" ходимларининг навбатдаги ташаббуси шундай ном олган. Мазкур инновацион ғояларни амалиётга татбиқ қилиш йўлида архитекторлар, дизайнерлар ва муҳандислар жамоаси фаолият юритмоқда. Улар Олимпиада шаҳарчасини безатиш бўйича Лондон шаҳар мэри томонидан эълон қилинган танловда ҳам бежизга ғалаба қозонмади.

Анъанага кўра, мухлису мутахассислар навбатдаги Олимпиаданинг очилиш маросимида қандайдир ўзига хос, теша тегмаган манзара рўй беришига ишонадилар. Маълумотларга кўра, машҳур икки қаватли автобуслар (даблдеккер)нинг ташқи кўриниши ҳам спорт мусобақаси даврида ўзгача қиёфага кирар экан. Бинолар ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Улардан бири биз ҳикоя қилаётган "Булут" бўлиб, унинг моҳияти тахминан шундай: учта шаффоф минора ва уларга боғланган тартибсиз ҳаракатдаги катта-кичик пуфаклар, томоша майдони, парвоздаги мини-парк ва узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турадиган мегаэкран.

1-расм: аслида иншоот баландлиги 120 метр бўлиши керак эди, аммо шароитга қараб бу ўлчам ўзгартирилиши мумкин (манба: The Cloud).



Лондон узра булутлар ғояси ташаббускорларига асли келиб чиқиши аргентиналик бўлган немис дизайнери Томас Сараченонинг нафис ҳайкалтарошлик ва юпқа шаффоф пардалардан тайёрланган дурдоналари асос бўлди.

Бунда биринчи навбатда мухлисларнинг тартибсиз пуфаклар ёрдамида кўкка кўтарилиб, хавфсизлиги таъминланган ҳолатда жараёнларни томоша қилиш имконига эга бўлишига эътибор берилди.

2-расм: Сараченонинг бу борада турли шаҳарларда амалга оширган ажойиб бадиий кўргазмалари ва ижод маҳсуллари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган (манбалар: tanyabonakdargallery.com, core. formula.com, worldchan ging.com, artfairsinternational.com, artscatalyst.typepad.com).

Бунга қизиқиб қолган "Гугл" интернет ресурси мазкур ғояни бепул реклама қилиб беришни таклиф этди. Дастур асосчиларининг умид қилишича, миллионлаб одамлар мазкур лойиҳа учун жуда бўлмаса бир доллар ёки фунтдан моддий ёрдам пули ажратади.

"Биз "Булут"ни барпо этишимизда ҳомийлар ва мухлислар кўмагига таянамиз. Унинг қад ростлаши учун камида 5 млн. доллар лозим бўлади", — дейди институтнинг етакчи мутахассисларидан бири Карло Ратти.

Ушбу бино ўз ичига қаттиқ ва шаффоф пластик, кўтариб турувчи пишиқ тиргаклар, эгилувчан ўқ тизими, дамланган катта пуфаклар ва иссиқ ҳаво билан тўйинтирилган митти безак пуфакчаларни олади.



3-расм: ҳар бир пуфакка босимни назорат қилувчи индивидуал насос ва кўрсаткичлар ўрнатилади. Унинг ичи сайёҳлар учун мўлжалланган бир неча қисмдан иборат. Масалан, қаттиқ пол ўрнини эластик шаффоф мембраналар эгаллайди (манба: The Cloud).



Пуфаклар учун олимлар шаффоф этилентетрафторэтилен (ШЭТЭ) материалидан фойдаланишни маъқул деб топдилар. Ушбу ашё 2008 йилги Олимпиада ўйинлари мезбони Пекин шаҳридаги "Уотер Кюб" сув ҳавзасининг пуфаксимон деворлари ва яна бир қатор ғайриоддий биноларнинг қурилишида муваффақиятли қўлланилганди.

4-расм: ШЭТЭнинг сифати ҳам анча яхши эканини Хитойдаги "Сувли куб" ва Буюк Британиядаги "Эден Прожект" мегаоранжереясидаги шаффоф гумбазлар ва яримшарлар яна бир бор исботлади. Улар орқали "Булут"нинг муваффақиятига ишонч ҳосил этиш мумкин (манба: wikipedia.org).

Мазкур конструкциянинг ўз вақтида қуриб битказилишига кўпчилик ишонаётир. Сабаби, жамоа анча аҳил ва унда жуда тажрибали мутахассислар йиғилган. Жумладан, ҳамкорлар орасидан жой олган архитектура студияларидан бири — Британиянинг "Аруп" компанияси Пекиндаги "Сувли куб" мажмуаси барпо этилишида ҳам фаол иштирок этган. Бундан ташқари, Сидней операси (Sydney Opera House), Помпиду маркази (Centre Georges Pompidou) ва "Лондон кўзи" суперғилдиракли томошагоҳ (The London Eye)нинг яратилишида ҳам унинг ҳиссаси катта.

"Булут" лойиҳаси билан айни пайтда Буюк британиялик, АҚШлик, германиялик, австралиялик ва италиялик олимлар жиддий шуғулланишяпти.

Лойиҳа намунасининг диққатни ўзига тортадиган яна бир жиҳати унинг кўп вазифаларни бажара олиши, жумладан, томоша майдонлари ўрнатилган экранлар орқали турли ахборотга эга бўлиш имконини беради.

Экранлар табиий томошага халақит бермайди. Боиси, у пуфакнинг юқори қисмига катта миқдордаги светодиодлар ёрдамида жойлаштирилади. Бу эса тасвирни нафақат пуфак ичидан, балки ташқаридан туриб ҳам кўриш имконини беради. Ойнаи жаҳонда стадиондаги томошабинлар сони, мусобақа натижалари, об-ҳаво ҳақидаги ва шу каби маълумотлар жой олади. "Булут" шаҳарга бўлган қизиқишлар ва мезбонларнинг кайфиятини ўлчовчи "барометри" вазифасини ҳам ўтайди. Бунга "Гугл" ёрдамида амалга оширилган Олимпиада билан боғлиқ электрон сўров натижаларининг бевосита экранда акс этиши орқали эришилади. Яна бир ўзига хос томони — пуфак ёнига Олимпиада машъаласининг улкан тасвири ҳам осиб қўйилади.

Меъморлар ва рассомларнинг фикрича, миноралардаги бу каби ахборот оқими ва тасвирлар катта таассурот қолдирувчи асосий воситаларга айланади. Шунинг учун ҳам конструкция максимум шаффоф кўринишини олади. Хуллас, томошабинлар зерикарли пластикларни эмас, балки шаҳар устида парвоз этаётган рақамли булут ичида эканини том маънода ҳис қилишлари керак.

5-расм: ушбу эскизларда минорага велосипедда ҳам кўтарилиш мумкинлигини кўриш мумкин (манба: The Cloud).

Энди бўлажак мажмуанинг ишлаш жараёнига эътибор қаратамиз. Режага кўра, пуфаклар учта улкан минора "елкаси"дан ҳавога кўтарилади. Ушбу нозик панжарасимон биноларни пўлат арқонлар тизими ушлаб туради. У вертикал ҳолатдаги йўғон арқонларни эслатади. Биринчи минора ичида кенг бурама пандус (биноларга кираверишда юқорига чиқиш ёки пастга тушиш учун имкон берадиган қия сирт, нишаб йўлка) жойлаштирилса, иккинчисига зина ва учинчисига лифт ўрнатилади.

Бунинг учун немис муҳандиси, улкан кўтарма қурилмалар бўйича мутахассис Йорг Шлайх масъул этиб тайинланган. У кўплаб стадионларнинг устки қисмини қуришда иштирок этиб, эътиборга тушган. Айниқса, бир қатор ажойиб томоша миноралари қаторидан жой олган Штутгартдаги "Киллесберг тауер" уни анча машҳур қилиб юборган.

6-расм: "Киллесберг тауер"нинг баландлиги 40 метрга тенг (манбалар: en.wikipedia.org, skyscraper-city.com).

Полимер пуфакларидан иборат самовий галерея панжарали миноралларга махсус ингичка, аммо пишиқ арқон билан уланади. Лекин бу "Булут"нинг осмонда эркин парвоз этишига ҳалақит бермайди. Бу жараён баньян дарахтини эслатади. Мазкур ўсимликнинг шохларида ҳосил бўлувчи кўз илғамас (бироқ жуда мустаҳкам) ҳаво илдизлари тўхтовсиз тарзда пастга қараб ўсиб, ерга қадар етиб боради. Натижада қисқа вақт ичида кичкина ўрмонзор вужудга келади.

7-расм: Шлайх усули турғунликни таъминлаш, материалдан тежамли фойдаланган ҳолда шамолга мустаҳкам қаршилик кўрсатиш имконини беради. Муаллифларнинг айтишича, ушбу лойиҳа амалга ошса, у Лондон шаҳрининг рамзларидан бирига айланади (The Cloud тасвири-7).



Шу ўринда "Булут"нинг қувват манбалари ҳақида савол туғилиши табиий. Олимлар бунга ҳам фойдали ечим топганлар. Унга кўра, минора, пуфаклар ва уларнинг қисмлари муқобил энергетика тизимига эга бўлади.

Бир нечта шар ва яқин орадаги ерга ўрнатилган қуёш батареялари ёритиш ва махсус тўхташ тизимига эга бўлган лифтларга қувват етказиб беради. Бундан ташқари, иншоотдаги махсус микротурбиналар ёмғир суви ёрдамида ишлашини ҳам айтиб ўтиш керак.

8-расм: ҳозирча ушбу лойиҳа тақдири юз фоиз ҳал бўлиб улгурмаган. Шундай бўлса-да, ташкилотчилар унга ижобий ечим топишига ишонишмоқда. Сиз айни шу тасвирда кўриб турган сунъий булутлар 2012 йилги спорт мусобақаси бош стадиони қаршисида парвозга чоғланган. Бу эса лойиҳачиларнинг энг буюк орзуси. (манба: The Cloud).



Муаллифлар ўз лойиҳаси орқали экологик тозалик ва соғлом турмуш тарзига алоҳида эътибор қаратганлар. Биргина мисол. Томошабинларга минора бўйлаб тепага пиёда чиқиш ва пастга лифт билан тушиш таклиф қилинади.

Хуллас, айни пайтда ташкилотчилар мазкур орзунинг амалга ошиши учун ўзларининг бор маҳорат ва кучларини ишга солишдан ташқари, миллионлаб одамларнинг моддий кўмагидан ҳам умид қилишмоқда.

Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.

Tadqiqotchilar Leonardo da Vinchi maqsadli ravishda ayol yuzida nim tabassum ortidagi jiddiylik yoki aksincha, jiddiylik orqali yengil tabassumni ifoda etgan, degan fikrni ilgari surishmoqda.

СУВ ОСТИДА ҲАЁТ БОР(МИ?)

Антарктиданинг шимолий қисмида тадқиқот олиб бораётган НАСА мутахассислари очиқ дарёдан 20 километр масофадаги улкан муз қатлами остини текшириш мақсадида тажриба ўтказишган. Уларнинг олган натижалари кутилмаган бўлиб чиқди. Сабаби, 200 метрлик муз тагида тирик организмлар борлиги аниқланган, дейилади «Сайнс» журналида.



Улар музда диаметри 20 см.га тенг чуқурча ҳосил қилиб, унга видеокамерани туширишган. Даставвал тасвирга олиш ускунасини пастга туширишдан пайтида майда қисқичбақага ўхшаш сув ҳайвони суратга олинган, кейинчалик олимлар сувдан пайпаслагич топганлар. Уларнинг тахминларига қараганда, бу қисқич узунлиги 30 см. бўлган медузага тегишли.

Натижалар суз остида ҳам ҳаёт борлигини кўрсатади, дейишмоқда тадқиқотчилар. Чунки топилган сув ҳайвонлари бу ҳудудларга узоқдан сузиб кела олмасди. Авваллари бу каби ноқулай шароитларда фақат микроорганизмлар ҳаёт кечиради, деган қараш илгари сурилганди. Сабаби, айнан улар сувда эриган кимёвий бирикмалардан ўзларига зарур «иситиш воситаси»ни синтезлаб олиши мумкин экан.

Мутахассисларнинг бу галги тадқиқотлари баъзи биологик назарияларни қайта кўриб чиқишни талаб этадиганга ўхшайди. Уларнинг фикрига кўра, агар қисқичбақасимонлар сув музлайдиган ҳароратда ҳам яшай олиши тасдиқланса, унда бу каби тирик жонзотлар бошқа ҳудудларда ҳам борлиги эҳтимолдан холи эмас экан.

«ҚАДДИНИ ТИКЛАМОҚДА»



Италиянинг машҳур минораси — Пизанинг сўнгги ўн йил ичида қадди тикланаётгани сезилмоқда.

«Аква эксперт» манбасининг маълум қилишича, иншоот оғишини тўхтатиш ҳаракатлари ўтган асрнинг 90-йилларида бошланганди. Мазкур ишларга Турин политехника университетининг муҳандислик геологияси профессори Микеле Жамиолковский раҳбарлик қилган. Жараёнда минора пойдевори остига махсус техник посанги тизими ўрнатилди. Улар ёрдамида хавфли оғиш тўхтатилган. Шу билан биргаликда, уни ҳаттоки 50 см.га тиклашга ҳам эришилди.

Олимнинг илмий текширувларга таянган ҳолда таъкидлашича, навбатдаги уч йил давомида бу борадаги ишлар давом эттирилади.

БАЛИҚЛАР УМРИГА ЗОМИН БЎЛАДИ

Узоқ пайтлардан бери бактерияларга қарши яхши восита ҳисобланган кумуш моддаси балиқлар учун зарарли ҳисобланиб, уларнинг нобуд бўлишига олиб келишини Пердью университети (АҚШ) олимлари аниқлашди. Бу ҳақида «Нейчэ геосайнс» хабар берди.



Аслида кумуш нанозаррачалари қатор ювиш воситаси, махсус иш кийими каби ишлаб чиқариш маҳсулотларида бактерияларни йўқотишда ишлатилади. Бунда кумуш кукуни сувда эритилган бўлади. Мутахассислар мазкур аралашманинг тирик организмларга таъсирини ўрганиш мақсадида танга балиқлар билан тажриба ўтказишган. Суюқлик эса уларнинг нафақат заҳарланиши, балки нобуд бўлишига ҳам олиб келган. Қолаверса, нанозаррачаларга ультратовушли ускуна орқали таъсир ўтказилганида, улардаги заҳарлилик даражаси ўн баробарга ошиши аниқланди.

Айни пайтда кумуш заррачаларидан фойдаланиш борасидаги аниқ кўрсатмалар йўқлиги сабаб уларнинг атроф-муҳитга зарарини белгиловчи кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мушкул. Шунинг учун олимлар нанозаррачаларнинг инсон соғлиғига ҳам салбий таъсири бўлиши мумкинлигидан хавотирда.

ЖОКОНДА ТАБАССУМИДАГИ ЯШИРИН МАЪНО

Зальцбург (Австрия) Нейрокогнитив тадқиқотлари маркази профессори Флориан Хуцлер Леонардо да Винчининг машҳур «Жоконда» суратидаги аёл табассуми сирига изоҳ топганини айтмоқда. «Дэйли Телеграф» нашрининг ёзишича, Мона Лизанинг лабларига қараганда унинг юзида ҳеч қандай маъно йўқдай туюлар экан.

Лекин томоша қилаётган одам нигоҳи унинг оғзига эмас, кўзларига тушганида сиртқи кўриш қобилияти «уйғониб», суратдаги чизгилар енгил табассум таассуротини туғдиради. Шу тариқа, Жоконда юзидаги ифода унинг қайси қисмига қарашига қараб фарқланади. Бундай муваффақиятга Да Винчи ўзи ихтиро қилган юз ифодасини юмшатиб кўрсатувчи сфумато техникаси ёрдамида эришганлиги таъкидланмоқда.

Айтиш зарурки, шу кунгача Мона Лиза табассумига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бундан аввал Аликанта неврология институти ходимлари Мартинес Отеро ва Диего Алонсо Паблос суратдаги аёл табассумининг жиддий ифодага алмашиниши томошабин кўзлари орқали миясига бораётган тескари сигналлар туфайли экан, деган хулосани беришганди.

Мутахассислар жараённи қуйидагича изоҳлашган: кўзнинг тўр пардаси мияга турли хилдаги ахборотни узатади. Махсус каналлар орқали борадиган бу маълумотлар визуал майдоннинг ҳажми, тиниқлиги, аниқлиги ва жойлашуви тўғрисида тушунча ҳосил қилади. Эътиборлиси, қайси каналдан ахборот биринчи етиб борса, ўша асосида кўриш майдонидаги жисм ҳақида тушунча шаклланади. Шу сабаб, бир канал ёрдамида узатилган маълумот туфайли томошабин табассумни, бошқаси орқали етиб борганига таяниб эса жиддийликни кўради. Мазкур ўзига хосликларни аниқлаш учун олимлар кўнгиллилар иштирокида тадқиқот ўтказган. Суратни идрок этиш унинг ҳажми, томоша қилиш масофаси, чироқнинг ёритилиши ва бошқа омилларга қараб турлича бўлиши маълум бўлди. Тадқиқотчилар Леонардо да Винчи мақсадли равишда аёл юзида ним табассум ортидаги жиддийлик ёки аксинча, жиддийлик орқали енгил табассумни ифода этган, деган фикрни илгари суришмоқда.

ХОТИРАЛАРНИ «ЎҚУВЧИ» ДАСТУР

Инглиз олимлари инсон миясидаги хотираларни «ўқийдиган» дастурни ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Улар аввал мия магнит майдонини магнит-резонансли томография қилиб, сўнг олинган натижаларни компьютерда таҳлил этган. Лондон университети коллежи профессорлари томонидан амалга оширилган изланишлар «Замонавий биология» журналида чоп этилган.



Мутахассислар кашфиёт туфайли келгусида мияда ахборот сақланишининг биологик механизмларини аниқлаш имкони туғилишига умид боғламоқда. Бу эса ўз навбатида, хотирани йўқотиш, Альцгеймер (кекса одамларда хотира ва тафаккур қилишнинг сусайиши) касаллиги ёки мия жароҳатларини даволашда катта ёрдам беради.

Илмий тажриба пайтида қатнашувчиларга кундалик ҳаётни акс эттирувчи учта қисқа видеотасвирлар намойиш этилган. Айни пайтда мутахассислар у ёки бу ҳолат кўрилаётганда мияда магнит тўлқинларининг тарқалишини қайд этиб турган. Бунда асосий эътибор гиппокампус — хотира механизмида муҳим роль ўйнайдиган мия қисмига қаратилган. Сўнгра иштирокчиларга ўзлари истаган тартибда кўрилган ҳолатларни эслаш таклиф этилган. Жараёнда компьютер орқали магнит тўлқинлар фаоллигига қараб айнан қай бир ҳолат ёдга олинаётганини аниқлашга ҳаракат қилинган. Лойиҳа раҳбари, профессор Элинор Мэгуайрнинг таъкидлашича, олимлар яратган технология ёрдамида компьютер берилган вазифани муваффақиятли бажарган.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХАВФ ТУҒДИРАДИ

Момақалдироқлар ёмғир пайтида парвозда бўлган самолётдаги йўловчилар учун хавфли ҳисобланган гамма-нурларни вужудга келтиради, деб хабар беради «Нейчэ геофизикал жорнал».

Океан орти мутахассислари чақмоқ чаққанда инсонга етиши мумкин бўлган потенциал хавф даражасини ўрганган. Аниқланишича, гамма-нурлар майдонидаги авиалайнер йўловчилари кўкрак қафаси рентгенографиясидан ҳам 400 баробар катта миқдордаги нурланиш ўчоғига тушиши мумкин экан. Учувчилар ҳавонинг турбулент оқими, дўл ва чақмоқлар туфайли махсус маршрут йўналишлари орқали парвоз қилишгани боис бу даражадаги нурланишга дуч келиш эҳтимоли кам. Айни пайтда мазкур турдаги хавфнинг борлигини инкор этиб ҳам бўлмайди.

Таъкидлаш керакки, шу кунга қадар қатор тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, момақалдироқлар табиат жумбоғи бўлиб қолмоқда. Олимлар улар кучли ёмғир пайтида электр майдони катта қувватга эга бўлганидан гамма-нурларни вужудга келтириши мумкин, деган фикрни илгари суришяпти. Ёки аксинча нурланишлар момақалдироқни пайдо қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Гарчи гамма-нурлар атмосферада жуда қисқа фурсат — атиги 1-2 миллисекундлар ичида кузатилса-да, бу Ер юзидаги кучли ҳодисалардан бири экани айтилмоқда. Момақалдироқ пайтидаги гамма-нурлар эса қўрғошинли девордан ҳам ўтиши мумкин экан.

«ЎЗИНГДАГИ БАКТЕРИЯЛАРДАН ҚЎРҚ»



Изланишлардан маълум бўлишича, ҳар бир инсонда бармоқ излари каби бошқа бировда кузатилмайдиган тана бактериялари тўплами бор экан. Қизиғи, ҳаттоки, бир ҳужайрали эгизакларда ҳам у бир хил бўлмайди. Келгусида организмнинг айнан шу ўзига хос хусусияти қонунбузарларни аниқлашда қўл келиши таъкидланмоқда. Бу эса яқин келажакда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар суд экспертизасини ўтказиш учун мўлжалланган янги воситага эга бўлади, деганидир. Мазкур йўналишдаги изланишлар «Индепендент» газетасида маълум қилинди.

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, бактериялар орқали инсон шахсини аниқлаш усули ҳатто ДНК ва бармоқ излари таҳлилидан ҳам афзал бўлиши мумкин.

— Янгича усул билан милиция ходимлари маълум буюмдан намуна олиб, охирги бир неча кун ёки ҳафта давомида унга кимнинг қўли текканини бармоқ изларисиз ҳам аниқлаши мумкин, — дейди тадқиқот раҳбари, Колорадо университети профессори Ной Фирер.

Ушбу метод амалий жиҳатдан талабга жавоб беришини аниқлаш мақсадида бир тажриба ўтказилди. Олимлар 12 соат давомида ҳеч ким тегмаган 9та компьютер сичқончасидан бактериялар намунасини олган. Сўнгра 270 нафар инсоннинг бактериал тўплами текширилган. Бу икки турдаги натижалар солиштирилиб эса сичқонча эгаси аниқланган. Шу билан бирга, ўртача хона ҳарорати бўлса, ускунадаги бактериялар икки ҳафта давомида ҳам сақланиши маълум бўлди. Ҳозиргача амалга оширилган текширувлар янги усул ёрдамида 90 фоиз ҳолатларда қонунбузарни тўғри аниқлаш мумкинлигини кўрсатди.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши жамоаси молиявий ишлар бўлими мудири Абдурашид Абдувоҳидовга рафиқаси

ДИЛОРОМнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти жамоаси «Умумтаълим фанлари ва педагогик технологиялар» кафедраси катта ўқитувчиси, институт доценти Азиз Юсуповга волидаи муҳтарамаси

АНВАРА онанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти жамоаси Ахборот-ресурс маркази ходими Дилафрўз Зокировага турмуш ўртоғи

Қаҳрамон ЗОКИРОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Эзгулик, тинчлик, бахт ва шодлик рамзи бўлмиш ушбу айём муносабати билан Сиз азизларга узоқ умр, бахт-саодат, ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Касб-ҳунар коллежлари бошқармалари, архитектура ва қурилиш бошқармалари, қурилиш ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2009—2010 ўқув йилида институтнинг битирувчи бакалаврларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «Битирувчи — 2010» тадбирини ўтказишини эълон қилади. Институтни битирувчи бакалаврлар бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари ёрдамида иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қиладиган, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассислардир. Бакалавр даражасидаги мутахассисларга эҳтиёжи бор корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат қилишлари мумкин.

БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Таълим йўналишлари номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича битирувчилар сони													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Наманган	Фарғона	Бухоро	Хоразм	Сурхондарё	Қашқадарё	Жиззах	Навоий	Самарқанд	Сирдарё	Тошкент	Тошкент шаҳар
1	Касбий таълим (қурилиш)	25							2	1	2	5	15			
2	Касбий таълим (санъатшунослик)	33						1		1	3	3	25			
3	Касбий таълим (муҳандислик коммуникация қурилиши)	22								3		3	15	1		
4	Дизайн	27							1	2		4	20			
5	Менежмент (соҳалар бўйича)	101						1	5	2	1	9	83			
6	Ер усти транспорт тизимлари	80							8	9	4	8	51			
7	Геодезия, картография ва кадастр	20							1	1		4	14			
8	Архитектура	27					1		4	5		5	12			
9	Бино ва иншоотлар қурилиши	65					2		14	6	2	10	31			
10	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши	58		1			1	1	6	6	3	8	31	1		
11	Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш технологияси	30						1	3	5	2	3	16			
12	Ер тузиш ва ер кадастри	21								4	1	4	12			
13	Сервис (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)	15							2	1		5	7			
14	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	30							1	2	2	3	22			
	Жами	**554**	**0**	**1**	**0**	**0**	**4**	**4**	**47**	**48**	**20**	**74**	**354**	**2**	**0**	**0**

Манзил: Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй, Маркетинг хизмати бўлими.
Тел: (8366) 237-12-77, факс:237-18-78, E-mail:samgasi@inbox.ru

«Halol!» O'rtakashning bu so'zidan keyin A'zamjon anchagacha qotib qoldi.

ЗАВҚУ ШАВҚҚА ТЎЛА БЕЛЛАШУВ

«Танлаган соҳанг бўйича қанча кўп излансанг, ғалаба қилиш имконияти ҳамиша сен томонда бўлади», деган экан донишмандлардан бири.

Бу ибратли нақлнинг пурмаънолигига Зангиота туманидаги мактаблар ўртасида баскетбол бўйича ўтказилган мусобақага йиғилганлар яна бир бор амин бўлишди.

Ёш авлод маънавиятини юксалтириш, жисмоний баркамоллигини ошириш ҳамда руҳиятини бойитишга қаратилган мазкур тадбирга тумандаги «Рамадон» спорт мажмуаси мезбонлик қилди. Мусобақада 1, 4, 12, 18, 19, 29-мактаб ўқувчилари (50дан ортиқ спортчи) иштирок этди.

Мусобақани туман БЎСМ директори вазифасини бажарувчи Сайёра Абдуваҳобова очиб берди. У сўзида ёшларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилиш, бу борада кенг кўламли ишларни олиб боришнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтди.

Ёшларнинг ҳар соҳада фаол иштироки юрт келажагига бўлган ишончни яна ҳам оширади. Бу эса мазкур мусобақада ўз аксини топди, десак муболаға бўлмайди. Уларнинг беллашуви чинакамига марду майдонга айланиб кетди. Баҳсларда 18, 19-мактаб жамоалари ўзларининг тайёргарлиги ва фаоллиги билан кўзга ташланиб, устунликларини яққол намоён этди. Бир ҳафтадан ортиқ давом этган тадбир якунига кўра, ўғил болалар ўртасида 19-мактаб жамоаси 1-, 18-мактаб спортчилари 2-, 29-мактаб йигитлари эса 3-ўринга лойиқ кўрилди. Қиз болалар ўртасида 18-мактаб (1-ўрин), 29-мактаб (2-ўрин), 19-мактаб (3-ўрин) жамоалари кучли учликни ҳосил қилди. Ғолиблар турли хил эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзМУ талабаси

ТОНГ БИЛАН БЕЛЛАШГАН СПОРТЧИ

2010-yil — Barkamol avlod yili

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган йиллар давомида бунёд этилган муҳташам спорт иншоотларини Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида учратасиз. Бу эзгу саъй-ҳаракат самарасини Тўрақўрғон тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 2003—2009 йиллар мобайнида туманда 982,7 млн. сўм маблағ ҳисобига ўнлаб спорт иншоотлари барпо этилди. 134,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва анжомлари келтирилди. Катта суммадаги спорт кийимлари 710 нафар болага тарқатилди.

Бу билан мактаб ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техник имкониятлари кескин кўтарилди. Айни пайтда келажагимиз ворислари спортнинг 24 тури билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Спорт тўгаракларига жалб қилинган ёшлар орасида қизларнинг кўплиги ҳам соғлом авлодни шакллантириш сари қўйилаётган муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда. Шу ўринда спортнинг энг нафис тури — бадиий гимнастикага ихтисослашган вилоятдаги ягона болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Тўрақўрғон шаҳрида фаолият олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу спорт муассасаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмаги билан 2005 йилда очилган эди.

— Ҳозирги кунда 248 нафар ўқувчи-қизлар бадиий гимнастика сирларини эгаллашмоқда, — дейди 36-БЎСМ директори Г.Собирова. — Ўн нафар мураббий улар билан мунтазам машғулот олиб бормоқда. Қатнашчиларимиз вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда доимо совринли ўринларни эгаллашаётгани саъй-ҳаракатларимиз ижобий натижа бераётганидан далолат. Куни кеча М.Нуриддинова билан Ё.Омонова Андижон шаҳрида ўтказилган водий вилоятлари бадиий гимнастикачилари биринчилигида 3-ўрин соҳиби бўлди.

Туманимиздаги бошқа спорт масканларида ҳам сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Ўтган йили 8, 47-мактабларда фойдаланишга топширилган кўркам иншоотларда маҳоратини ошираётган болалар орасидан ҳам юртимиз довруғини оламга ёядиган умидли спортчилар етишиб чиқишига ишончимиз комил.

— Жорий йилда жамғарма маблағи асосида бунёд этиладиган иншоотлар кўлами янада кенг, — дейди БСРЖнинг тумандаги вакили Т.Қодиров. — 2 млрд. 460 млн. сўм сармоя ҳисобига Тўрақўрғон шаҳрида 150 ўринли мусиқа мактаби, 33-БЎСМда сузиш ҳавзаси, 33-умумтаълим мактабида эса замонавий лойиҳа асосида спорт зали қурилади. Бугина эмас, мажмуаларни янги спорт анжомлари билан таъминлаш давом эттирилади. Жумладан, яқин кунларда қиймати 30 млн. сўмлик 111та стол тенниси жиҳозлари мактабларга тақсимлаб берилади.

Бу эзгу ишлар келгусида баркамол авлод тарбиясида намоён бўлиши, шубҳасиз.

Пўлат ҲАМДАМ,
«Ma'rifat» мухбири
Наманган вилояти

«МЕНИ ЧЕМПИОН ҚИЛГАН, ҚЎРҒОНИМ»

Qishloqdan chiqqan chempion

Сурхондарёлик Аъзамжон Шафоатов Далварзинтепа қишлоғида улғайган. Қишлоғининг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар экан, кўнглидан «Мени чемпион қилган, қўрғоним» деган туйғуни ҳис қилади.



Ҳа, бир вақтлар, тепаликларда ялангоёқ югуриб, машқ қилаётган Аъзамжонни кўрган отаси ундан спортчи чиқишини умид қилганди. Бир воқеа ҳамон ёдидан чиқмайди. Наврўз сайли бошланди. Бир томонда «Арқон тортиш», «Қирқ тош», кўпкари, «Дор ўйин»лари, бир томонда кураш мусобақалари бошланиб кетибди. Отабола курашни томоша қилади. Ўртакаш ёши, вазнига қараб курашга тушишмоқчи бўлганларни бир-бир чақиради.

— Ота, мен ҳам курашга тушиб кўрсам, қандай бўларкин? — мусобақага қизиқиб кетди Аъзамжон.

— Майли, болам, қани юр ўртакашнинг олдига, — деди отаси таклифини қўллаб.

Шундай қилиб, у ўзи тенги, аммо ундан бироз бўйчан бола билан курашга тушди. Рақиби ундан анча устун чиқди. Курашга тушишнинг айрим элементларини биларкан. Ундан кўра чайирроқ ҳам кўринарди.

«Ҳалол!» Ўртакашнинг бу сўзидан кейин Аъзамжон анчагача қотиб қолди. У рақибини енгганди. Ўғлининг ҳаракатларини кузатиб турган Сайдали Ғозиевнинг кўнгли осмон бўлди. Бу унинг илк қозонган ғалабаси эди. Кейин улар Тошкентга келишди. Бу ерда отаси уни тажрибали спорт устасига шогирдликка бериб, ўғлига ҳамма шароитни яратди. Мусобақаларда ёнида туриб, қўллаб-қувватлади. Аъзамжон эса отасининг ишончини оқлади. Мусобақаларда кетма-кет яхши ўринларни эгаллади. Сирдарё вилояти Турон яккакураш федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сирдарё вилояти биринчилигида 2, 3-ўринларни, ўтган йили 1 июнь «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»га бағишланган Тошкент шаҳар очиқ биринчилигида эса юқори ўринни эгаллади. Жиззах шаҳар очиқ биринчилигида I даражали диплом билан тақдирланди.

Аъзамжон Шафоатов ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги 287-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Мавлуда Холназарованинг таъкидлашича, бугунги кунда мактабда 47та фан, 8та спорт тўгараги мунтазам йўлга қўйилган экан. Аъзамжон ҳам дарсдан бўш вақтларида мактабда очилган «Миллий кураш», «Ёш математиклар», «Дурадгорлик» тўгаракларига мунтазам қатнашиб туради.

Келажакдаги энг катта орзуларидан бири — ўзбек миллий кураши нуфузини жаҳон турнирларида кўрсатиб, юқори ўринларни қўлга киритиш.

Ёш спортчига бу шарафли йўлда зафарлар тилаб қоламиз.

Ҳулкар ФАРМОН
қизи

ХОРИЖДА SPORT

ФРАНЦИЯ ВА ИСПАНИЯ "ДЕРБИСИ"

Куни кеча Швейцариянинг Ньон шаҳрида Европа чемпионлар лигаси ҳамда Европа Лигаси чорак финали жуфтликлари номига ойдинлик киритувчи қуръа ташлаш маросимлари бўлиб ўтди. Унда мухлисларни ҳайратга соларлик қарама-қаршиликлар етарли бўлди.

Футбол иштиёқмандлари 30 март куни Франциянинг икки клуби: "Лион" — "Бордо" тўқнашуви гувоҳига айланади. Ундан сўнг саҳнага "Бавария" (Германия) ҳамда "Манчестер Юнайтед" клублари чиқиб келишади. Эртаси куни эса "Арсенал" (Англия) ўз уйида "Барселона" (Испания)ни қабул қилади. Кўплаб мухлислар аллақачон ўйин тақдири ҳал бўлди, деб атаётган учрашув, "Интер" (Италия) — ЦСКА (Россия) тўқнашуви ҳам шу куни эътиборимиз марказида бўлади. Жавоб учрашувлари 6 ва 7 апрель кунлари ўтказилади.

Европа лигасидаги 1/4 финал иштирокчилари: "Фулхэм" (Англия) — "Вольфсбург" (Германия), "Гамбург" (Германия)—"Стандард" (Бельгия), "Валенисия"—"Атлетико Мадрид" (Испания) клублари) ва "Бенфика" (Португалия)—"Ливерпуль" (Англия) ўйинлари 1 апрель куни бўлиб ўтади. Жавоб учрашувлари 8 апрель куни ўтказилади.

НАДАЛЬ КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Испаниялик теннисчи, ажойиб иқтидор эгаси Рафаэль Надаль АҚШнинг Индиан-Уэллс шаҳрида ўтказилаётган халқаро турнирда чорак финал йўлланмасини қўлга киритди, дея хабар берди "Новости" манбаси.

Умумий ютуқ жамғармаси 4,5 миллион долларни ташкил этувчи мазкур биринчиликда Надаль 3-рақамли теннисчи сифатида кортга чиқди. Нимчорак финал матчида испаниялик вундеркинд ўтган йили чорак финалда рўбарў келган ноқулай рақиби чехиялик Томаш Бердихга қарши яна бир бор дуч келди. Кескинлик ва муросасиз ҳолатларга бой бўлган матчда 6:4, 7:6 (7:4) ҳисоблари қайд этилди. Чорак финалда Надаль хорватиялик теннисчи Иван Любичичнинг қаршилигини енгиб ўтишига тўғри келади. 20-рақамли спортчи нимчорак финалда ўзидан бир поғона пастда турган аргентиналик Хуан Монакони доғда қолдирганди.

КИЧКИНА ДЕМАНГ УНИ

Ўн ёшли Марьяна Наумова пауэрлифтинг баҳсларида оламшумул кўрсаткичга эришиб, дунё рекордини янгилади. Энг қизиғи, у ўз тенгдошларинигина эмас, балки айрим катта ёшдаги спортчиларни ҳам ортда қолдиришга муваффақ бўлган. У 37,5 кг.лик штангани кўтарди.



Марьяна 13—15 ёшдаги иштирокчилар билан баҳсга киришди ва барчасидан устунлигини исботлади. У сўнгги икки ой мобайнида тинимсиз оғир машғулотларда қатнашганди ва ана шу саъй-ҳаракатлар кўп кутмай, самара берди. Катта спортга қизини отаси — пауэрлифтинг бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Александр Наумов олиб кирганди. Навбатдаги мусобақаларнинг бирида қизалоқ отасидан 20 килограмлик штангани кўтаришига рухсат беришини сўрайди. Отасининг ижозати билан Марьяна 20 кг.лик вазнни кўтарди. Ҳозирда мактаб ўқувчиси бўлган Наумовага 2009 йили ўтказилган оғир атлетлар ўртасидаги жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Сергей Даниелян сабоқ бермоқда.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2009 йил 17 октябрда Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш Жамғармаси томонидан молиялаштириладиган "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳаси доирасида эълон қилинган Тендер савдолари натижаларига кўра Корея Республикасининг «KT Corporation» компанияси тендер ғолиби деб топилди.

ANNOUNCEMENT

According to the Bid results, announced on October 17, 2009 by the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan, for the "Informatization of General Education Schools of the Republic of Uzbekistan" Project, financed by the Economic Development Cooperation Fund of the Republic of Korea, the "KT Corporation" of the Republic of Korea has been acknowledged as a Successful Bidder.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Азиз юртдошларимизни "Наврўз" умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз! Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт ва саодат тилаймиз.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-222.
Tiraji 46913.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Rayhona XO'JAYEVA.

Navbatchi: Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ *belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00
ЎзА якуни — 21.00